

**O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta
maxsus ta'lif vazirligi**

Guliston davlat universiteti

"Ekologiya va geografiya" kafedrasи

5650100-Ekologiya va atrof-muhit muhofazasi ta'lif yo'naliishi

22-16-guruh talabasi Qulmurotova Yulduz Sadullo qizining

**"Yer resurslaridan foydalanish va tuproqlarni muhofaza qilish
chora-tadbirlarini tahlil qilish" mavzusida bajargan**

bitiruv malakaviy ishi

Rahbar: O'qituvchi Aripov I. _____

**Tabiiy fanlar fakulteti dekani:
Geografiya fanlari nomzodi,
dotsent Yuldashov A.U.** _____

Kafedra mudiri: доцент Karshibayeva L.K. _____

Guliston-2020

Mundarija

| | |
|--|----|
| Kirish..... | 3 |
| 1–bob. Yer resurslaridan samarali foydalanish va uni muhofaza qilish..... | |
| 1.1. Yer resurslaridan foydalanish va uni takomillashtirish..... | |
| 1.2. Yer resurslari va ularning ekologik – iqtisodiy xususiyatlari..... | |
| 1.3. Yer kadastro va tuproq bonitirovkasi..... | |
| 1.4. O’zbekistonda yer resurslaridan foydalanish..... | |
| II-bob. O’zbekistonda tuproqlarni muhofaza qilish chora-tadbirlarini amalga oshirish masalalari..... | |
| 2.1. Tuproq resurslarini muhofaza qilish..... | |
| 2.2. O’zbekistonda yer resurslaridan foydalanish jarayonida vujudga kelgan muammolar..... | |
| 2.3. Sug’oriladigan va lalmikor yerkarning mahsuldarligini yanada yaxshilash choralar..... | |
| 2.4. Mineral o’g’itlarning inson salomatligiga ta’siri..... | |
| Xulosa | 67 |
| Foydalanilgan adabiyotlar..... | 70 |

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш инсоннинг табиатга муносабатини ўзгартиришни, экологик манфаатларни иқтисодий-ижтимоий манфаатлар билан тенглаштиришни, инсоннинг табиатга нисбатан масъулиятини оширишни талаб этади. Республикада мустақиллик йилларида экологик – иқтисодий тадбирлар тизимини амалга оширишга муҳим аҳамият берилмоқда. Бу тизим амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотларнинг ажралмас таркибий қисми бўлиши зарур. Шу сабабдан табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган иқтисодий механизмига эга бўлиш ва уни хўжалик амалиётида самарали қўллаш ғоят муҳимдир. Ўзбекистонда атроф муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳофазаси бўйича мўлжалланган Давлат дастури амалга оширилаётган ҳозирги пайтда бундай мутахассисларга талаб катта.

“Бугунги кунда дунёдаги географик-сиёсий ҳолат жадал суръатларда ўзгармоқда. Бундай шароитда эса инсон томонидан биосферага қўрсатилаётган таъсири тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларда мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб бормоқда.¹.»

Президентимизнинг бу фикрдан қўринадики, мураккабликдан иборат бўлган табиат ва инсон қонуниятларни бузиш ҳам, ривожлантириш ҳам инсониятнинг қўлидадир, яъни, инсон ҳаётида юксак аҳамиятга молик ҳар қандай муаммо ва воқеаликларга жаҳон ҳамжамияти ҳам жавобгардир.

Мавзусининг долзарблиги. Ернинг чекланганлиги ва сифат таркибининг пастлиги, тупроқ эрозияси, шўрланишини ифлосланиши, эрозия, яйлов депрессияси билан боғлик бўлган экологик хавф-хатар тўхтовсиз ортиб бормоқда. Республика суғориладиган ерларнинг 2 млн гектари (50 % га яқин) бузилиш хавфи остида қолган. Улар асосан шўрланган ерлардир. Бу ерларнинг 0,8 млн. гектари ўртача ва кучли даражада шўрланган. Қорақалпоғистон, Бухоро, Сирдарё вилоятлари ерларининг 90-95 %, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларининг 60-70 % ерлари шўрланган. Республика тупроғининг асосий сифат қўрсаткичи ҳисобланган унумдорлик (гумус) 30-35% га пасайиб кетган. Шамол эрозиясига (дефляция) учраган ерлар майдони 2,1 млн гектарга, сув эрозияси таъсиридаги майдонлар эса 0,7 млн га teng. Мамлакатдаги 22 млн яйловнинг 6 млн гектари – шамол, 3 млн гектари эса сув эрозияси таъсиридадир. ДДТ пестицидидан фойдаланиш 1983 йил таъқиқланганига қарамай, унинг тупроқдаги микдори ҳамон нормадан 2-4 баробар ортиқдир.

Тупроқнинг ҳар хил саноат чиқиндилари ва маиший чиқиндилар билан ифлосланиши реал таҳдид туғдирмоқда. Тупроққа ортиқча ишлов бериш унинг нурланишига ва пестицидлар, оғир металлар чангি билан ифлосланишига,

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

таркибидаги чириндининг камайишига, эрозиянинг авж олишига ва бошқа салбий оқибатларга олиб келди.

Ўзбекистонда ернинг ишдан чиқишига асосан суғориш ва зовур тизимининг эскириши, суғориш техникасининг қолоқлиги ва сувдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилиши сабаб бўлди, бу эса ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувига ва тупроқ таркибида тузининг қўпайиб кетишига олиб келди. Ернинг яроқсиз ҳолга тушиши муаммосини тубдан ҳал этиш учун суғориш тизимини бутунлай қайта таъмирлаш, табиат берган текин неъмат сувга бўлган муносабатни ўзгартириш, шунингдек эрозияга қарши агротехник, хўжалик, ўрмон мелиоратив, гидротехника тадбирларини амалга ошириш зарурлиги ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Мавзууни ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасининг геоэкологик муаммолари, шунингдек, ер ресурсларидан фойдаланиш ва тупроқ ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича бўйича кўплаб олимлар ҳамда мутахассислар шуғулланишган. А.А.Рафиқов, А.Солиев, Т.Ж.Жумаев, С.Султонов, А.Р.Рўзиев, Ю.Шодиметов, А.Абдуғаниев, А.Тўхтаев, Қ.Абирқулов, А.Хожиматов, С.Даниёров, Ш.Турдиқуловлар геоэкологик муаммоларнинг мавжудлиги ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари ва экологик муаммоларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кенг доирада ўрганишган. Лекин юқоридаги ва бошқа олимларнинг ишлари асосан республика доирасида олиб борилган. Айни вақтда ўлка доирасида геоэкологик муаммолари маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда етарли даражада ўрганилмаган. Шу жиҳатдан ўлканинг ер ресурсларидан фойдаланиш муаммоларини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишда жамоатчиликнинг олиб борадиган ишлари илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари. Мазкур тадқиқот ишининг мақсади - Ўзбекистон Республикасининг геоэкологик муаммолари, шунингдек, ер ресурсларидан фойдаланиш ва тупроқ ресурсларини муҳофаза қилиш масалалари асосида экологик муаммоларни таҳлил қилиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсияларни таҳлил қилишдан иборатdir. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қўйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал этилди:

- Yer resurslaridan foydalanish va uni takomillashtirish жиҳатларини очиб берилди;
- Yer resurslari va ularning ekologik – iqtisodiy xususiyatlariни ўрганилди;
- Yerni iqtisodiy baholashning umumiy tamoyillari va uslubini изоҳланди;
- Yer kadastro va tuproq bonitirovkasini аниқланди;
- O'zbekistonda yer resurslaridan foydalanish муаммоларини ёритиб бери;
- O'zbekistonda tuproqlarni muhofaza qilish chora-tadbirlarini amalga oshirish масалалари ўрганилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти сифатида шуни айтиш мумкинки, аҳоли ўртасида экологик тарбия бериш ишлардан фойдаланилганда, ўқувчиларнинг экологик билимларини ривожланишида, ўрганилган масалани чуқурроқ ўйлашга, унинг энг муҳим чораларини излашга, якун ясад, хulosалар чиқаришга имкон беради. БМИда

тавсия этилган ишланмаларидан умумий табиий география, иқтисодий географияси, тадбиркорлик фанларини ўқитишида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот мавзусининг тарқибий тузилиши. Иш кириш, икки боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган.

Тадқиқотнинг **хулоса** қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, муаллифнинг ушбу мавзу бўйича тавсия ва таклифлари келтирилган.


1.1. Er resurslaridan foydalanish va uni takomillashtirish

Er insonning bebahो boyligi, er o'simliklar dunyosi bilan birgalikda insonni oziq-ovqat bilan ta'minlaydi, kiyintiradi, qurilish materiallari va tibbiy ashyolar bilan ta'minlaydi va b. SHuning uchun ona-erni muhofaza qilish har bir kishining muqaddas burchidir. Er kurrasining quruqlik maydoni (muzliklarni ham qo'shib hisoblaganda) 15 mlrd. ga. ga teng, shundan muzliklar maydoni 1,7 mlrd. ga., yaylovlar maydoni 3 mlrd. ga, haydalgan erlar maydoni 1,5 mlrd. ga. teng, qariyb 400 mln. ga. er sug'oriladigan dehqonchilik bilan band. Lekin er resurslari turli sabablarga ko'ra muomaladan (har yili qariyb 15 mln. ga.) chiqib boradi, chunonchi, sanoat ob'ektlari va shaharlar qurilishi uchun taxminan 8 mln.ga., eroziya natijasida 3 mln. ga., inson tomonidan zaharlanish natijasida 2 mln. ga. er, suv bosishi, sho'rланish tufayli esa 2 mln. ga. atrofida erlar ishlab chiqarish muomalasidan chiqib bormoqda. Butun tsivilizatsiya davrida insoniyat turli sabablarga ko'ra (eroziya, sho'rланish, shaharlar ostida yo'llar qurilishi, suv omborlari va boshqalar) jami bo'lib taxminan 2,5-3 mlrd. ga. er maydonidan ajraldi.

Литосфера (литос-тош, сфера-шар, қобиқ) деганда ернинг 30-80 км. қалинликдаги қаттиқ қобиғи тушунилади. Жамият ривожланадиган асос- Ер пўстида микроорганизмлар 3-5км чуқурликкача учрайди. Ер усти ва ер ости ҳозирда фаол ўзлаштирилган. Ҳозирда литосферада ер ости қазилмалари 10 км.гача бўлган чуқурликлардан олиниши мумкин. XXI асрга келиб инсоният литосферага мислсиз таъсир кўрсатмоқда. Шахарлар остида ер ости шаҳарлари бунёд қилинган, чиқиндиҳоналар, омборхоналар мавжуддир. Ер остида ядро куроли синовлари ўтказилади.


Ер ресурслари инсонлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Ер-инсонлар бевосита яшайдиган асос, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириладиган замин ҳисобланади.

Қуруқликнинг умумий майдони 148000 млн.га ни ташкил қиласиди. Шундан 4060млн.га(28%) ни ўрмонлар, 2600 млн.га(17%)ни ўтлоқ ва яйловлар, 1450 млн.га(10%) ҳайдаладиган ерлар ва 6690 млн.га (45%)ни-чўл, чала чўллар, музликлар, шаҳар, қишлоқлар ерлари ва бошқа мақсадда фойдаланадиган ерлардир. Ер юзида дехқончилик мақсадларида ишлатиладиган ерлар мавжуд ерлар худудининг 10%ни ташкил қиласиди ва дунё аҳолиси жон бошига 0,5 га дан тўғри келади.



Унумдорлик хусусиятига эга бўлган ер юзасининг устки ғовак қатлами

тупроқ дейилади. Тупроқларнинг табиатдаги ва жамият ҳаётидаги роли ғоят бекиёсdir. Тупроқ биосферадаги модда айланма ҳаракатида асосий рол ўйнайди. Тупроқ организмлар учун ҳаёт муҳити, озуқа манбаи ҳисобланади, моддаларнинг кичик биологик ва катта геологик айланма ҳаракатида муҳим роль ўйнайди. Тупроқ қаттиқ, суюқ, ва газсимон компонентлардан иборат бўлиб, иқлим, тоғ жинслари, ўсимликлар ва ҳайвонлар, микроорганизмларнинг ўзаро мураккаб таъсири натижасида ҳосил бўлади. 1 грамм тупроқда миллиондан ортиқ содда ҳайвонлар ва тубан ўсимликлар учрайди



-расм. Тупроқ кесими: 1-хазон тўшами; 2-чиринди; 3- ювилиш қатлами; 4-минерал тузлар тўпланадиган қатлам; 5- таг замин (Криксунов, 1995)

Тупроқ тугайдиган ва тикланадиган ресурсларга киради. Тупроқ тарихий таркиб топган мураккаб, мустақил табиий жисм бўлиб, ўзгарувчан динамик ҳосиладир. Ер юзи турли қобиқлари ўртасидаги алоқадорлик тупроқ орқали амалга ошади. Тупроқ табиий ландшафтларнинг асоси ҳисобланади. Биосфера бажарадиган фаолиятига қараб тупроқни органик ҳаёт занжирининг энг муҳим халқаси деб юритса бўлади.

Тупроқда у ёки бу микроэлементлар етишмаслиги ёки ортиқчалиги организмларнинг ривожланиши ва инсоннинг соғлиғига бевосита таъсир кўрсатади; Тупроқ касаллик тарқатадиган; кўплаб микроорганизмлар учун зарур ҳаёт муҳити ҳисобланади.

Тупроқда сил, вабо, ўлат, ич-терлама, бруцеллез ва бошқа касалликларнинг қўзғатувчилари бўлиши мумкин. Биосфера тупроқнинг энг муҳим роли шундаки, барча организмларнинг қолдиқлари тупроқда парчаланади ва яна минерал бирикмаларга айланади. Тупроқ қатламисиз ер юзида ҳаётни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Дехқончиликнинг юзага келиши билан тупроқнинг кишилар ҳаётидаги аҳамияти кескин ошиб кетган. Инсон ўзи учун зарур бўлган барча озиқ маҳсулотлари ва кўплаб бошқа воситаларни бевосита ёки билвосита тупроқдан олади. Ер юзидаги ҳозирги мавжуд тупроқ қатлами жамият тараққиёти натижасида кучли ўзгарган.

Инсоният тарихи давомида 2 млрд. гектардан ортиқ унумдор тупроқли ерлар яроқсиз ҳолга келтирилган. Ҳар йили сайёрамиздаги қишлоқ ҳўжалиги учун яроқли ерлар майдони шўр босиши, емирилиши натижасида 5-7 млн. гектарга камаймоқда. Тупроқларга инсон таъсирининг кучайиши сугориладиган дехқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши билан боғлиқ. Сугориладиган (обикор) дехқончилик Мовароуннахрда ҳам қарийиб 5 минг

йиллик тарихга эга.

Ер юзи тупроқ қатламининг ҳозирги ҳолати биринчи навбатда кишилик жамиятининг фаолияти билан белгиланади. Инсон тупроқларга ижобий ва салбий таъсир қўрсатади. Инсон тупроқларнинг ҳосилдорлигини ошириши, ерларнинг ҳолатини яхшилаши мумкин. Шунинг билан бирга шаҳар қурилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, агротехник тадбирларнинг талабга жавоб бермаслиги натижасида тупроқлар бевосита йўқ қилиниши, яроқсиз ҳолга келиши, емирилиши мумкин. Ҳозирги кунда тупроқлар майдонининг камайиши унинг тикланишидан минглаб марта тезроқ амалга ошмоқда.

Табиатда шамол ва сув таъсирида тупроқларнинг емирилиши ёки эрозияси кузатилади. Инсон фаолияти натижасида тезлашган сув ва шамол эрозияси амалга ошади, жарлар ҳосил бўлади (-расм).



-расм. Тупроқ эрозияси ва жарнинг ҳосил бўлиши (Криксунов, 1995)

Антрапоген эрозия тупроқ ресурсларидан нотўғри фойдаланишнинг оқибати бўлиб, унинг асосий сабаблари ўрмон ва тўқайларни қирқиб юбориш, яйловларда чорва молларини боқиши нормасига амал қиласлик, дехқончилик юритишнинг нотўғри методларидан фойдаланиш ва бошқалардир. Турли малумотларга кўра ҳар куни ер юзида эрозия натижасида 3500 га унумдор тупроқли ерлар ишдан чиқади. Сув эрозияси кўпроқ тоғ олди ва тоғли районларда, шамол эрозияси текисликларда кузатилади. Чанг бўронлари натижасида бир неча соат ичидаги тупроқнинг 25 сантиметргача бўлган қатламини шамол бутунлай учирив кетганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Эрозия жараёнларининг олдини олиш ва унга қарши кураш учун кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Буларга ўсимлик қопламини тиклаш, агротехник тадбирларни тўғри олиб бориш, яшил химоя қалқонларини бунёд қилиш, гидротехник тадбирларни режали ўтказиш ва бошқалар киради.

Суғориладиган дехқончилик районларида тупроқларнинг шўрланиши асосий экологик муаммолардан ҳисобланади. Тупроқларнинг шўрланиши суғоришни нотўғри олиб борганда ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши натижасида рўй беради. Бирламчи ва иккиласмичи шўрланиш кузатилади. Иккиласмичи шўрланишда сув каппиллярлар орқали кўтарилиб тузи тупроқда


қолади ёки ортиқча сугориш натижасида ер ости сувлари эриган тузлар билан шүрланади. Иккиламчи шүрланиш күпроқ зарар етказади. Тупроқларнинг шүрланиши Осиё, Америка ва Африканинг кўпчилик мамлакатларида кузатилади. Шўрланишнинг олдини олиш учун зовурлар ўтказилади, ерларнинг шўри ювилади. Тупроқларнинг ботқоқланиши асосан намлик қўп жойларда кузатилади. Сув омборлари атрофида ҳам ботқоқланган участкалар вужудга келади. Ботқоқларни қуритиш учун маҳсус мелиорация тадбирлари ўтказилади.

Тупроқларни ифлосланишдан сақлаш муҳим аҳамиятга эга. қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш тупроқларнинг турли кимёвий бирикмалар билан ифлосланишини кучайтириб юборади. Минерал ўғитлар тўғри танланмаса ва меъёрида ишлатилмаса тупроқнинг ҳолати ўзгаради, унумдорлик хусусияти бузилади. Айниқса, зааркунандаларга қарши, бегона ўтларга ва ўсимлик касалликларига чора сифатида кенг фойдланиладиган пестицидлар, гербицидлар, инсектицидлар, дефолиантларни меъёридан ортиқ ишлатиш тупроқга жуда салбий таъсир кўрсатади. Пестицидлар тупроқдаги фойдали микроорганизмларни нобуд қиласи ва чириндининг камайишига олиб келади. Масалан, ДДТ пестициди ишлатилганидан 20 йил кейин ҳам тупроқ таркибида унинг ҳали мавжудлиги аниқланган. Пестицидлар озиқ занжири орқали ўтиб, инсон соғлиғига ҳам зарар етказади. Ҳозирги кунда олимлар қисқа вақт таъсир этиб, сўнг парчаланиб кетадиган биоцидлар устида ишламоқдалар.

Тупроқлар саноат корхоналари, транспорт чиқиндилари, коммунал-маиший чиқиндилар билан ҳам ифосланади. Кимё ва металлургия корхоналари, тоғ-кон саноати чиқиндилари тупроқларни айниқса кучли ифлослайди ва ишдан чиқаради. Тупроқда симоб, қўрғошин, фтор ва бошқа ўта захарли бирикмалар тўпланади. Бу ўсимликларга салбий таъсир кўрсатади, баъзилари нобуд бўлади ва инсонларда турли хавфли касалликларни келтириб чиқаради.

Тупроқларни маҳсус тадбирлар ўтказиб тозалаш қийин. Шунинг учун тупроқларни ифлосланишидан сақлаш тадбирлари ўз вақтида ўтказилиши ва қонуний назорат ўрнатилиши керак.

курғоқчил ерларда чўллашиш жараёнларининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. **Чўллашиш** деганда табиий жараёнлар ва инсон фаолияти натижасида ерларинг биологик маҳсулдорлигининг пасайиши ёки йўқолиши тушунилади. Чўллашиш натижасида экологик системанинг ўз-ўзини тиклаш қобилиятининг бутунлай йўқолишига олиб келиши мумкин. Ҳаракатчан кумларнинг йўлини тўсиш, яшил қалқонлар бунёд қилиш тупроқларни сақлаб қолади. Тупроқ қатламиининг турли йўллар билан нест-нобут қилиниши муаммоси ҳам мавжуд.



-расм. Ҳаддан ортиқ мол боқиши ва қурғоқчил экосистемаларда чўллашиш жараёнинг бошланиши(33)

Шаҳар ва йўл қурилиши натижасида унумдор тупроқлар нобуд қилинади. қонунга мувофиқ бундай шароитларда тупроқлар кўчириб олинади ва керакли ерларга ётқизлади. Ер ости бойликларини қазиб олишда ҳам қўплаб тупроқлар нобуд бўлади. Бундай жараёнларнинг олдини олишнинг маҳсус тадбирлари мавжуд, қонуний жавобгарлик бор.

1.2. Ер ресурслари ва уларнинг экологик – иқтисодий хусусиятлари

Ер ресурслари унинг юқори қатламидан иборат бўлиб, маҳсулдор қисми ҳисобланади, унинг ўртача қалинлиги 0,5 метрдан 2 метргача етади. Маҳсулдор қисмнинг пайдо бўлишида биологик организмлар қолдиқларининг ва чиқиндиларининг тўпланиши натижасида гумус миқдорининг ортиши ҳисобига ҳосил бўлади. Бу модда озиқа моддалар манбаи ҳамда тупроқнинг табиий хоссаларини яхшиловчи асосий омил ҳисобланади. Табиий шароитларда гумус миқдори ўзгармас ҳамда кўпайиб бориши қонуний ҳисобланади. Унинг камайиши эса ердан нооқилона фойдаланиш натижасида юзага келади. Ер қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий воситаси бўлиб, унинг ривожланиш суратлари, самарадорлиги, тупроқ унумдорлиги, унимли фойдаланиш ва муҳофаза қилишга боғликдир. Бу эса қишлоқ хўжалик ералрининг ҳолатини ҳисобга олиш ва баҳолашда катта аҳамиятга эга. Тупроқ маҳсулдорлиги ўртача йиллик ҳосилдорлик билан белгиланади. Тупроқ ресурсларидан фойдаланишнинг йўналиши ва даражаси ер ресурсларининг тизими орқали аниқланади. Ернинг ҳолати, физик таркиби, кимёвий таркиби, намлилик даражаси, ҳарорати билан характерланади. Инсон, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, микроорганизмлар фаолиятлари ернинг ҳолатини яхшилаши ёки ёмонлаштириши мумкин. Ерда таъсир кўрсатадиган асосий жараёнлар қуидагилар: қишлоқ хўжалиги оборотидан бутунлай чиқариш, вақтинча чиқариш, механик таъсир этиш, кимёвий ҳамда физик таъсир этиш, органик элементларни кўпайиши ёки камайиши, кўшимча худудлар қўшиш, биомассадан фойдаланиш, ўз-ўзини тиклаш ва бошқалардир.

Ерни қайтмайдиган қилиб оборотдан чиқаришда саноат корхоналари қурилиши, уй-жойлар, йўллар, қувурлар, электр линиялари, сув омборлари, фойдали қазилмаларни очик усулда қазиш, чиқиндилар билан тўлдириш орқали содир бўлади.

Ер ресурсларини иқтисодий баҳолаш, улардан кўп мақсадда фойдаланиш, етиштириладиган экинларнинг хилма-хиллиги, олинадиган фойданинг ҳар хиллиги, табиий иқтисодий шароитларнинг ҳар хиллиги туфайли жуда мураккабдир. Ер қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асоси бўлиб, уни иқтисодий баҳолаш бозор иқтисоди шароитида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Ер ресурслари қишлоқ хўжалигига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва самарадорлиги бўйича баҳоланади, бу эса об-ҳаво шароити, экинлар тури, инфратузилма ҳолати, истеъмолчининг узоқ- яқинлиги, қайта ишлашнинг имкониятлари каби бир қанча омилларга боғликдир. Ер ресурсларини иқтисодий баҳолаш бир неча йилги маълумотлар асосида амалга оширилади. Дифференциал рента бир ёки икки йил муддатни ҳисобга олиб ҳисоблаб чиқилади.

Ерни иқтисодий баҳолаш деганда қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги нисбий баҳоси тушунилади ёки бошқача айтганда, турли сифатий кўрсаткичларга эга бўлган ерларнинг нисбий даромад миқдори англашади. Ерни иқтисодий баҳолашнинг бош моҳияти уни сифатининг қишлоқ хўжалигидаги ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Одатда, ернинг табиий, сунъий ва самарави ҳосилдорлик хусусиятлари ажратилади. Ернинг табиий ҳосилдорлиги тупроқнинг ҳосил бўлиш жараёнлари билан боғлик. Сунъий ҳосилдорлик инсон томонидан унга турли ишлов бериш (хайдаш, ўғит солиш, сугориш, агротехник ва бошқа тадбирлар) жараёнида вужудга келади. Самарави ёки иқтисодий ҳосилдорлик табиий ва сунъий ҳосилдорликларнинг ўзаро қўшилишидан ҳосил бўлади. Аслида, бу икки гуруҳдаги ҳосилдорлик яқиндан боғлик бўлиб, бир-бирларини ўзаро тақозо этади. Сунъий ҳосилдорликнинг бузилиши тупроқ деградациясига олиб келади. Ернинг ҳосилдорлиги қотиб колган ходиса эмас, у ўзгариб туради: табиий ва инсон омиллари таъсирида юқори бўлиши ёки аксинча пасайиши мумкин. Шунинг учун ҳам ернинг иқтисодий баҳосини бутун бир умрга етарли қилиб аниқланмайди, уни маълум вақтларда қайтадан аниқлаб туриш лозим. Ерни иқтисодий баҳолашда унинг фақат ҳосилдорлигигагина

эмас, шунингдек, жойлашган ўрни, чунончи, шаҳарларга яқинлиги, саноат марказларидан узоқлиги, транспорт қатнови йўлга қўйилганлиги ҳам ҳисобга олинади.

Ерни иқтисодий баҳолаш жараёнига рельефнинг ўйдим-чуқурлиги, парчаланганилиги, қиялиги, тупроқнинг қалинлиги, тошлоқлиги, механик таркиби, тупроқ тури ва кичик тури, ер ости сувлари сатхининг жойлашуви, тупроқ таркибидаги бирламчи туз ва гипснинг мавжудлиги, шамол ва бошқа ҳодисалар фаол таъсир этади. Бу омилларни таҳлил қилиш билан тупроқ балл тизимида баҳоланади, сўнггида ер кадастри ишлаб чиқилади (кейинги бўлимга қаранг).

Ерни иқтисодий баҳолаш мақсадида уни материаллар билан таъминлаш учун, шунингдек, қишлоқ хўжалигини режалаштириш ва ташкил қилиш ниятида ҳамда ер балансини, ерни баҳолашнинг худудий бирликларини ҳисобга олиш учун барча ерларни тоифаларга бўлиш мақсадга мувофиқ: хўжалик ичида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини режалаштириш ва ташкил қилиш талабларига мос келиши лозим. Бу тоифадаги ерлар ўз навбатида яна икки гуруҳга ажратилиши мумкин: биринчи гуруҳдаги ерларга хўжаликнинг ердан фойдаланиш тузилмасига мувофиқ хўжалик учун умуман ажратилган ерлар, фермерлар дехқон хўжалиги ва бошқаларга фойдаланиш учун берилган ерлар киради; иккинчи гуруҳга хўжалик жиҳатидан фойдаланиладиган (экинзорлар) ер массивлари, чунончи, пахта, шоли, буғдой, ем-хашак, полиз, боғ, ўрмон ва бошқалар экиладиган ерлар, ўт-алмашлаб экиш майдонлари, айрим далалар, партов, ишдан чиқкан майдонлар, яйлов, пичанзор ва бошқалар киради. Жамоа хўжалиги худудида барча экинзорларни шу тартибда ўзаро боғлиқ ҳолда солиштириш йўли билан ернинг нисбий баҳосини аниқлаш мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, экинзорлар жойлашишида аввало уларни маълум рельеф элементларига (қавариқ, ботиқ, ёнбағир, текислик, қия ва тўлқинсимон текисликлар ва б.) қараб жойлашуви, тупроқ турлари, ер ости сувлари, иқлимий хусусиятлар, яйлов тури ва бошқаларнинг аниқ ҳисобга олиниши баҳолашнинг асосланганлигига жиддий таъсир этади. Бунда сув манбалари ва уларнинг сифати алоҳида эътиборда бўлади.

Тупроқнинг сифати ёки маҳсулдорлиги унинг тури, физик-кимёвий хусусиятлари, механик таркиби, гумус қатламининг қалинлиги ва миқдори, ер ости сувлари сатхининг жойлашуви ва бошқа омилларга боғлиқлигини ҳеч ким инкор этмайди. Тупроқ қанчалик кулагай табиий хусусиятларга эга бўлса, шунчалик катта ҳосилдорликка эга бўлади. Лекин бу кўрсаткичлар тупроқнинг иқтисодий маҳсулдорлиги мезонлари бўлиб хизмат қила олмайди. Тупроқни иқтисодий жиҳатдан баҳолагандаги ундан экинларнинг ҳосилдорлиги ва майдон бирлиги (га) дан олинган даромад энг яхши ва ишончли мезонлар ҳисобланади.

Ҳосилдорлик - қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг сўнги натижаси, шунинг учун ҳам ернинг баҳосини қайд қиласи. Экинлардан олинган ҳосил миқдорига қараб, далаларнинг баҳосини аниқлаш мумкин, тупроқнинг маҳсулдорлиги қиймати равшан бўлади. Тупроқ маҳсулдорлиги барча табиий ва сунъий суғориш аҳволни тўлиқ мужассамлаштиради. Ерни итисодий баҳолаш икки кўрсаткичда амалга оширилади; ялпи маҳсулот бўйича амалга ошириш ернинг ишлаб чиқариш воситаси сифатида майдон бирлиги бўйича қийматини билишга имкон беради. Бу кўрсаткич ишлаб чиқариш ҳажмини майдон бирлигига табақалашган ҳолда режалаштириш учун, экин майдонидан оқилона фойдаланиш, солик тизимини тўғри амалга ошириш ва бошқаларни аниқлашда зарур. Соф даромад бўйича ерни иқтисодий баҳолаш майдон бирлигидан олинадиган даромадни чамалашда қўл келади, бу ҳол табақалашган солик, ренталарни аниқлашда зарур омил ҳисобланади.

Ҳосилдорлик ва соф даромад жамоа хўжалиги худудида олдиндан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми ва ундан келадиган соф даромадни режалаштиришда энг ишончли механизм бўлиб хизмат қиласи.

1.3. Ер кадастри ва тупроқ бонитировкаси

Кадастр (франсузча-реестр, рўйхат) - объект ёки ходиса тўғрисида жамлама сифатида ва миқдорий маълумотларнинг тизимли мажмуаси ҳисобланади, кўп ҳолларда улар иқтисодий баҳолашни назарда тутади. Кадастрнинг турлари кўп. Ер кадастри қуидаги таркибий қисмлардан иборат: а) ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишни рўйхатдан ўтказиш; б) ерни миқдорий ҳисоби; в) ернинг сифати; г) тупроқ бонитировкаси; д) ерларни иқтисодий баҳолаш.

Тупроқ бонитировкаси (лотин тилида - асл, сифатли) - тупроқнинг унумдорлиги бўйича нисбий баҳолашдан иборат. Қиёсий баҳолаш тупроқларни мажуд объектив хусусиятлари ва белгилари асосида амалга ошириш, булар қишлоқ хўжалик экинларининг ўсишида энг муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бонитировкада миқдорий кўрсаткичлар (баллар) кўлланилади. Улар бир тупроқни иккинчи тупроқдан қанчалик яхши ёки ёмон эканлигини аниқлашга имкон беради. Бунда тупроқнинг энг муҳим хусусиятлари ва ҳосилдорлиги эътиборга олинади. Бошқача айтганда, тупроқ бонитировкаси-бу, тупроқнинг ҳосилдорлигини балл ҳисобида агрономик инвентаризация қилиш бўлиб, балл тупроқнинг асосий хусусиятлари ва энг муҳим қишлоқ хўжалик экинларининг ўртача ҳосилдорлиги ҳамда табиий яйлов (пичанзор) ларнинг маҳсулдорлиги ҳисобланган кўрсаткичидир.

Тупроқ бонитировкаси ер кадастрининг асосий қисмларидан бири бўлиб, ер фондини миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш ҳисобланади. Миқдорий ҳисобга олишнинг моҳияти ердан фойдаланиш ва экинларнинг тури бўйича майдони ҳисобида тақсимланишни кўрсатади. Ҳайдаладиган, сугориладиган ерлар, боғлар, пичанзор, яйловлар ва бошқаларнинг майдони ҳисобга олинади. Сифат жиҳатидан рўйхатдан ўтказишга тупроқнинг асосий хусусиятлари, айниқса, унумдорлиги ҳамда меҳнат маҳсули-экинларнинг ҳосилдорлиги (кўрсаткичи) ҳисобга олинади. Бунда ҳар бир ер майдонининг ҳақиқий имконияти маҳсулдорлиги, шуниндек, бутун жамоа хўжалиги, туман ва вилоят бўйича кўрсаткичлар аниқлашади. Бундай тартибда ер участкаларини ҳисобга олиш қишлоқ хўжалик ерларини (экинзорларини), ҳайдаладиган ерлар, пичанзор, яйлов, ўрмон ва бошқаларнинг маҳсулдорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиша зарур бўлади. Хўжаликларнинг ихтисослашуви ва тармоқларнинг оқилона алмашиб келиши, ерларни сугориш қилишда капитал маблағ сарфлашни режалаштиришда асос бўлади. Шу билан бирга тупроқ бонитировкаси мустақил аҳамиятга эга бўлиб, маълум худудларни (жамоа хўжалиги, туман, вилоят) тупроқларининг унумдорлиги бўйича гурухларга бирлаштириш ва солишиши учун имкон беради, жамоа хўжаликлари ва ишлаб чиқариш фаолиятига худуднинг иқлимий ва иқтисодий шароитларини эътиборга олиб тўғри баҳо бериш, тупроқлардан оқилона фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, бу борадаги имкониятларни аниқлашга ёрдам беради.

Бонитировкада пахта, дон, шоли, ем-хашак, қанд лавлаги етиштириш, табиий ўт ва ўрмонлар, боғлар ташкил қилиш учун энг қулай шароитларни аниқлаш мақсад қилиб қўйилади. Қишлоқ хўжалик мутахассисларига суғорма, лалми ерлардан, яйловлардан жадал фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиша ёрдам беради. Бонитировка асосида тупроқ сифатига мос келадиган ҳосилдорликни олдиндан белгилаш, тупроққа солинадиган минерал ва органик ўғитлар миқдорини аниқлаш мумкин. Бонитировка тупроқнинг қандай чора-тадбирларга муҳтожлиги, эрозия ва дефолиация, қуритиш суғориши, фитосуғориш тадбирларини амалга ошириш зарурлигини худуд бўйича ҳамда айrim ареалларда мунтазам кенг миқёсда кўллашни асослайди.

Бонитировка усуллари ва бонитировка мезони баҳолаш мезонлари бўйича фарқланади. Бунда тупроқнинг айrim табиий хусусиятлари ёки ушбу хусусиятларидан жами баҳолашда фойдаланилади. Лекин баҳолаш жараёнида тупроқнинг қишлоқ хўжалик экинлари ривожланадиган шароитларини белгиловчи хусусиятлари ва белгилари асос қилиб олинади. Шунинг учун ҳам маълум хусусиятларга эга бўлган тупроқ бир турдаги экин учун қулай, бошқа турдаги экинлар учун эса ноқулай бўлиши мумкин.

Тупроқларни хусусиятлари бўйича баҳолаш мантиқан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини назорат қиласиди. Тупроқларни баҳолашда уларга жиддий таъсир этувчи

омиллар, яъни рельеф, грунт сувлари сатҳи ва минералашув даражаси, иқлим хусусиятлари, грунтнинг сув ўтказувчанлиги, ётқизикларнинг литологик таркиби, ернинг ўлчамлари ва бошқаларга катта аҳамият берилади.

МДҲ мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда 100 баллик баҳоловчи шкала қабул қилинган. Балларни ишлаб чиқиш ер тузиш давлат лойиҳа институти, олий ўқув юртларининг тупроқшунослик кафедралари, Тупроқшунослик ва агрокимё институтида маҳаллий табиий ва иқлимий шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Бонитировка балларини ҳар бир баҳолаш белгиси бўйича ҳисоб-китоб қилиш қабул қилинган қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$B = \frac{3\phi \times 100}{3m},$$

Бунда: B -тупроқ балли; ϕ -бирор белги (гумус миқдори, азот, фосфор, калий ва б.); m -шу белгининг қиймати, у 100 балл ҳисобида олинади.

Балли баҳолаш тупроқларнинг андозали кўрсаткичлари асосида бажарилиши лозим, ўшанда тупроқдаги гумус миқдори 100% га teng бўлади. Масалан, сугориладиган оч бўз тупроқда гумус миқдори, айтайлик, 1,3% бўлса, у андозали тупроқда 2,3% teng деб ҳисоблаш билан юкоридаги формула асосида қуйидаги миқдорга эга бўламиш: $1,3 \times 100 : 2,3 = 57$. Бу мисолдаги суғорма оч бўз тупроқ 1 га майдонда 57 баллга teng.

Мутахассислар тупроқ бонитировкаси балларини таснифлаш натижасида қуйидаги шкалани таклиф қилишган (-жадвал).

-жадвал

Тупроқ бонитети классларининг мезони

| Бонитет класси | Бонитет бали | Тупроқнинг сифатий тавсифи |
|----------------|---------------------------|----------------------------------|
| 8-10 | 91- 100 81-90 71-80 | Яхши |
| 5-7 | 61-70 51-60 41-50 | Ўрта |
| 2-4 | 31-40 21-30 11-20 | Ёмон |
| 1 | 1-10 | Дехқончиликда фойдаланилмайди |

1.4. Ўзбекистонда Ер ресурсларидан фойдаланиш

Ўзбекистоннинг умумий ер фонди 44,8 млн. га, шундан 27,9 млн. га қишлоқ хўжалигига қарашли ерлар. Қишлоқ хўжалигига фойдаланишда бўлган ерларнинг 10 фоиздан ортиқ қисми ҳайдаладиган ерлардан иборат. Республиkaning ер фонди фойдаланиш хусусиятларига кўра хилма-хил. Мамлакат умумий ер фондининг 5-6 млн. гектари дехқончиликда фойдаланиллади. Улар сугориладиган ва лалми ерлардир. Қолган худудлар асосан ялов ва қисман тоғ ўрмонларидан иборат.

Сугориладиган ерлар 3,8 млн. гектардан иборат, шундан 1,4 млн. гектари денгиз сатҳидан 400-500 метргача бўлган баландликдаги чўл зонасида, қолган қисми сур қўнғир тупроқ минтақада, сугориладиган ерлар Фарғона водийси, Зарафшон, Чирчик, Оҳангарон, Қашқадарё, Сурхон, Шеробод водийларида,

Амударёнинг қуи қисмларида катта майдонларни эгаллайди. Лалмикор ерлар майдони 600 минг гектардан зиёд. Экин экиш учун етарли даражада намлик тўпланадиган ерлардан фойдаланилади. Лалмикор ерлар Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Жиззах вилоятларида жойлашган.

Чўл яйловлари Ўзбекистонда энг катта майдон - 22,8 млн. гектарни ташкил этади, шундан 10 млн. гектари сур-қўнғир тупроқли, қарийб 13 млн. гектари қумли ерлар ва қумли тупроқлар, қолган қисми ўтлоқ-тақир тупроқлар ва тақир ҳамда шўрхоклардан иборат. Чўл-яйлов жойлардаги суғоришга яроқли ялпи майдон қарийб 12 млн. гектарни ёки 95 фоиздан ортиқ қисмини беради. Ҳозирги вақтда ер ресурсларини ҳолати фақат иқтисодиётга таъсир этмасдан, у экологик шароитга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ер ресурси табиатнинг асосий бойлиги бўлибгина қолмасдан, у Республиkaning ижтимоий-иқтисодий ўсишига ҳам таъсир кўрсатади. Кейинги 35-40-йиллар ичида Ўзбекистонда ердан фойдаланишда катта муваффақиятларга эришилди. Суғориладиган ер майдони 1,5 баробарга кенгайтирилди. Айниқса, 1970-1985- йилларда суғориладиган ерлар 2,8 дан 4,0 млн. гектарга етди ёки 43 фоизга ортди. Янги суғориладиган ерлар бутун Ўзбекистон вилоятлари бўйича тақсимланади (acosan, Қашқадарё - Сурхондарё, Самарқанд - Жиззах, Қорақалпоғистон - Хоразм регионларига тўғри келади).

Янги ерларнинг очилиши ва ўзлаштирилиши у ерларнинг сифатига ва мелиоратив ҳолатига таъсир кўрсатади. Суғориладиган ерларнинг энг салбий томони бу - шўрланишдир. Шўрланиш катта маблағ талаб қилиши билан бирга катта сув микдори ювиш учун ишлатилади. Ер шўрини ювиш -мелиоратив тадбирлардан бири; тупроқнинг асосий илдиз жойлашадиган қаватидаги ортиқча тузларни сувда эритиб, зовурларга чиқариб юборишидир.

Дунё қуруқлик юзасининг 11,5 фоизга яқин қисмiga ҳайдаладиган ерлар тўғри келади. Келажакда илғор агротехникани қўллаш ва техникадан тўғри, кенг фойдаланиш натижасида экинзорлар майдони 9,33 млрд. гектаргача етиши мумкин. Чунки, ҳайдаб дехқончилик қилинадиган ерлар ҳали қўп. Масалан, Жанубий Америка материги умумий ер майдонининг атиги 5 фоизидан ҳозирда қишлоқ хўжалигига фойдаланилмоқда. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар материқ майдонининг 2 фоизини ташкил этади. Австралияда қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар майдони 56 млн.га teng. Ҳозирги кунда шундан 9 миллионы фойдаланилмоқда.

Ер шари қуруқлик майдонининг фақат 14 фоизи суғориладиган ерлардан иборат. Ана шу суғориладиган ерлардан олинган даромад ҳозир дунё аҳолисининг 50 фоизини озиқ-овқат билан таъминламоқда. Ер шари қуруқлик юзасининг 31 фоизга яқин ерлари кам яроқли ва яроқсиз ерларга тўғри келади. Яъни уларнинг 15 фоизи муз ва тундра зоналар, 15,2 фоизи тоғлар, 0,7 фоизи қуруқликдаги сувлардан ташкил топган. Қолган 69 фоизи эса тупроғи яхши ривожланган ўрмон, ўрмон-дашт, чала чўл, чўл, саванналар, субтропик, тропик зоналар, дарё водийларидағи худудларга тўғри келади.

Қуруқлик юзасида ер фондининг структураси: дунё бўйича 13393 млн. гектар (100%) шундан 4041 млн. гектарни (30,1 % и) ўрмонлар, 2987 млн. гектар (22,3%) ни ўтлоқ ва яйловлар, 1457 млн. гектар (10,8 % и) ни ҳайдаладиган ва

экин экиладиган ерлар, қолган 4908 млн. гектар (36,8 % и) ни қумли чўллар, музлик ва қорликлар, қишлоқ ва шаҳарлар, саноат обьектлари ишғол қилган ерлар эгаллаган. Ҳозирда Европанинг мўътадил иқлим зонасидаги мамлакатларда ва АҚШда қишлоқ хўжалигида фойдаланиш мумкин бўлган ерлар тўла ўзлаштирилган.

Ер ресурсларининг энг қимматли қисми унинг ҳосилдорлик хусусиятига эга бўлган қисми - тупроқ қопламидир. Тупроқ бошқа табиий бойлик билан алмаштириб бўлмайдиган ноёб табиий ресурсдир. Инсон қадимдан ҳозиргача фан-техника эришган улкан муваффакиятларга қарамай, ўзининг яшаши учун зарур бўлган қарийб ҳамма нарсани тупроқдан олади.

Ҳозирги кунгача табиий тупроқ ўрнини босадиган соф сунъий тупроқ яратиш мумкинлиги исботланган эмас. Ўсимликларни тупроқсиз (гидропоника, пластопоника) ўстириш ҳар қанча мукаммаллашмасин, барибир ҳеч нима, ҳеч қачон тупроқ ўрнини боса олмайди.

Сўнгги йилларда сайёра тупроқ қоплами табиий ҳолатининг ўзгаришига қишлоқ хўжалик ишлари билан боғлиқ бўлган тадбирлар таъсир этмоқда. Чунончи, ўрмонли ерларда дараҳтларни кесиб, ҳайдаб экин экиш; алмашлаб экиш; ерларни ҳайдаб культивация қилиш; тупроқка кўплаб органик моддалар (торф, гўнг ва бошқалар) ва минерал ўғитлар (оҳак, лёсс, минерал ўғитлар) солиш, тупроқни суғориш ва шўрини ювиш; зах ва ботқоқ ерларни қуритиб ўзлаштириш; ерларни планировка қилиш ва текислаш; кўплаб мевали ва декоратив дараҳтлар ўтказиш; кўплаб мол боқиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу ишларнинг таъсири суғориб экин экиладиган ерларда, айниқса, кучли бўлиб, унинг натижасида бир томондан, тупроқнинг табиий ҳолати тез ўзгарса, иккинчи томондан, унинг унумдорлиги ортиб боради ва тупроқнинг ҳолати яхшиланади.

Шу билан бирга, Ер шарида, шу жумладан, Ўзбекистонда саноатни ривожланиши, кўплаб янги қазилма конларининг қидириб топилиши янги шахта ва карьерларини қуришни талаб этади. Булар ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги айланмасидаги ерлар майдонининг қарийб, тупроқ ҳолатининг ёмонлашиб боришига сабаб бўлмоқда.

Ҳозир Ер шарида эрозияга учраган, қайта шўрланган ва ботқоқланган, қум босган, саноат ва карьерлардан чиқариб ташланган чиқиндилар (отвал) билан қопланган ва бошқа ерлар майдони 4,5-5 млн. кв. км. ерни ишғол қиласди. Шаҳарларнинг, айниқса, тез ўсиши билан қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар майдони тез қисқариб бормоқда.

Ҳозир ер шарида суткасига жон бошига 27 т.дан ортиқ минерал хом ашё қазиб олинади ва ундан умумий ҳажмининг 2 фоизи микдорида руда ажратиб олинади, қолган қисми (98%) чиқинди тариқасида атрофидаги қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерларга ташланади. Очиқ карьер усулида кўмир ва бошқа қазилмалар қазиб олиш натижасида катта майдонлардаги ерлар бузилмоқда. Карьер-отваллар хисобига қишлоқ хўжалиги айланмасидаги ерларнинг қисқариши Ўзбекистонда, айниқса, Ангрен-Олмалиқ тоғ-кон саноати районида ҳам содир бўлмоқда. Шу сабабли, карьер-отвал ишғол қилган ерларни тезлик билан рекультивация қилиш, яъни қайта ўзлаштириш лозим. Бунинг

учун карьер-отвалли ерлар текисланиб, устига унумдор тупроқ тўкиб ёки ҳар хил ўсимликлар экиб, қишлоқ хўжалиги айланмасига киритиш лозим.

Шундай қилиб, карьер-отвалли ерлар чорвачиликда, ўрмончиликда, экин экишда, парк хўжалигига фойдаланиш мақсадида қайта ўзлаштирилади. Суғориладиган (обикор) дехқончилик маданияти Ўрта Осиёда жуда узоқ тарихга эга. Мовароуннаҳрда ерларни суғориш эрамиздан олдин IV асрларда мавжуд бўлган. Хоразмда VII асрга бориб тақалади. Мурғоб воҳасида ундан ҳам қадимги.

Урта Осиё дарёларида сув таркибида жуда кўп миқдорда эриган ва эримаган минерал ҳамда органик моддалар бўлиб, ерлар сугорилганда тупроққа ўтиб, воҳа тупроқлари ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Биргина Амударё суви келтирадиган эримаган ётқизиқларнинг умумий миқдори Термиз шаҳри яқинида айрим йиллари 200 млн. тоннадан ортиб кетади.

Антропоген эрозия ер шарида дехқончилик учун офат ҳисобланади. Чунки, эрозия таъсирида миллионлаб гектар ерлар емирилиб, унумсиз ерларга айланиб қолади.

Антропоген эрозияни олдини олиш ва унга қарши курашиш учун уни вужудга келтирувчи омилларни тушуниб олиш зарур:

1. Тупроқни эрозиядан сақлашда ўрмон ва умуман ўсимликларнинг роли катта. 10 минг га ердаги ўрмон 500 минг куб. м. сувни ушлаб қолади.
2. Эрозия жараёнини вужудга келтириш ва тезлаштиришда яйловлардан нотўғри фойдаланиш муҳим ўрин эгаллайди.
3. Тик бўлган ёнбағирларни нотўғри ҳайдаш.
4. Дехқончиликда нотўғри усулдан фойдаланиш. Бир хил ўсимлик экиш, қумлик ерларни ҳайдаш, суғориш меъёридан нотўғри фойдаланиш.

Сув эрозияси - тупроқнинг унумдор устки юзасини ёғин (ёмғир, жала, қор) сувлари таъсирида ювилишидир. Сув эрозиясининг юзлама, чизиқли ёки жарли ҳамда сурилиш, қулаш каби шакллари мавжуд.

Тупроқ ва сув эрозиясининг олдини олиш ва унга қарши кураш тадбирлари:

1. Ташкилий хўжалик тадбирлари. Бунда ҳар бир хўжалик, ўзининг табиий шароитини ҳисобга олиб, хўжаликни ихтисослаштириши керак.
2. Агротехника тадбирлари орқали сув эрозиясига қарши курашиш керак.
3. Ўрмон мелиорацияси тадбирлари.
4. Гидротехника тадбирларини қўллаш. Суғориладиган зоналарида ирригация эрозиясига курашиш (латок, шланка, ёмғирлар), ботқоқликларни куритиш, қайта шўрланишни олдини олиш лозим.

Суғориладиган ерларни баҳолаш балл билан олиб борилади. Баллар тупроқни тадқиқот қилиш орқали, яъни тупроқ бонитети орқали ҳисобланади.

Жаҳон ер фонди 13045,4 млн. гектар бўлиб, жаҳон ер фондини ҳисоблаш жуда мураккаб вазифа, шу боис, турли манбаларда турли рақамлар қайд этилади. Чунки, ер захиралари доимо бир турдан иккинчи турга ўтиб туради (курилиш, ўрмонлар, чўллашув ва б.к.). Жаҳон ер фондида энг катта улушни ўрмонлар ташкил этиб, унинг майдони жаҳон бўйича 4 млрд гектарни

эгаллайди. Кейинги йилларда юз бераётган ёнгинлар натижасида уларнинг кўлами йил сайин пасайиб бормоқда.

Ўтлоқлар эса жаҳон ер фондининг иккинчи катта улушини ташкил этгани ҳолда, 3,4 млрд гектар, учинчи катта улушни эса ҳайдаладиган ерлар 1345,3 млн гектар худудни эгаллайди. Ҳайдаладиган ерлар энг қўп тарқалган худудларга АҚШ (185 млн. га.), Хиндистон (160 млн.га.), Россия (120 млн.га.), Хитой (95 млн. га.), Канада (46 млн. га.), Бразилия (43,2 млн.га.) ни киритиш мумкин.

Дунё бўйича қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар майдони 397 млн. гектарга, аҳоли манзилгоҳлари 18,8 млн. гектар, шундан шаҳарлар жойлашган худудлар 7,8 млн. гектар, қишлоқ аҳоли пунктлари 11,0 млн. гектар майдонни эгаллайди. Жаҳон миқёсидаги маҳсус қўриқланадиган худудлар 34,1 млн. гектарни ташкил этиб, юзлаб қуриқхоналар, миллий боғлар ва заказникларни ўз ичига олади.

II-боб. Ўзбекистонда тупроқларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш масалалари

2.1. Тупроқ ресурсларини муҳофаза қилиш

Unumdorlik xususiyatiga ega bo'lgan yer yuzasining ustki g'ovak qatlami tuproq deyiladi. Tuproqlarning tabiatdagi va jamiyat hayotidagi roli g'oyat beqiyosdir. Tuproq organizmlar uchun hayot muhiti, ozuqa manbai hisoblanadi, moddalarning kichik biologik va katta geologik aylanma harakatida muhim rol o'ynaydi. Tuproq qattiq, suyuq, va gazsimon komponentlardan iborat bo'lib, iqlim, tog' jinslari, o"simliklar va hayvonlar, mikroorganizmlarning o'zaro murakkab ta'siri natijasida hosil bo'ladi. 1 gramm tuproqda milliondan ortiq sodda hayvonlar va tuban o" simliklar uchraydi.

Tuproq tugaydigan va tiklanadigan resurslarga kiradi. Tuzilishiga ko'ra tuproqda 3 asosiy qatlam ajratiladi:

A-eng ustki gumus (chirindi)li qatlam; B-yuqori qatlamdan mineral va organik birikmalar to'planadigan qatlam. C-tuproq vujudga keladigan ona jins qatlami. Tuproqning har bir gorizonti organik va mineral birikmalar aralashmasidan iborat. Tuproq tarixiy tarkib topgan murakkab, mustaqil tabiiy jism bo'lib, o'zgaruvchan dinamik hosiladir. Yer yuzi turli qobiqlari o'rtasidagi aloqadorlik tuproq orqali amalga oshadi. Tuproq tabiiy landshaftlarning asosi hisoblanadi. Biosferada bajaradigan faoliyatiga qarab tuproqni organik hayot zanjirining eng muhim halqasi, deb yuritsa bo'ladi. Tuproqda u yoki bu mikroelementlar etishmasligi yoki optiqchaligi organizmlarning rivojlanishi va insonning sog'lig'iga bevosita ta'sir ko'rsatadi; Tuproq kasallik tarqatadigan ko'plab mikroorganizmlar uchun zarur hayot muhiti hisoblanadi. Tuproqda sil, vabo, o'lat, ichterlama, burutsellioz va boshqa kasalliklarning qo'zgatuvchilari bo'lishi

mumkin. Biosferada tuproqning eng muhim roli shundaki, barcha organizmlarning qoldiqlari tuproqda parchalanadi va yana mineral birikmalarga aylanadi, Tuproq qatlamisiz yer yuzida hayotni tasavvur ham qilib bo'lmaydi.

Dehqonchilikning yuzaga kelishi bilan tuproqning kishilar hayotidagi ahamiyati keskin oshib ketgan. Inson o'zi uchun zarur bo'lgan barcha oziq mahsulotlari va ko'plab boshqa vositalarni bevosita yoki bilvosita tuproqdan oladi. Yer yuzidagi hozirgi mavjud tuproq qatlami jamiyat taraqqiyoti natijasida kuchli o'zgargan.

Insoniyat tarixi davomida 2 mld. dan ortiq unumdar tuproqli yerlar yaroqsiz holga keltirilgan. Har yili sayyoramizdagi qishloq xo'jaligi uchun yaroqli yerlar maydoni sho'r bosishi, emirilishi natijasida 5-7 mln.gektarga kamaymoqda. Tuproqlarga inson ta'si-rining kuchayishi sug'oriladigan dehqonchilik va chorvachilikning rivojlanishi bilan bog"liq. Sug'oriladigan (obikor) dehqonchilik Movarounnahrda ham qariyb 5 ming yillik tarixga ega. Yer yuzida dehqonichilik maqsadlarida ishlatiladigan yerlar mavjud yerlar hududining 10 foizini tashkil qiladi va dunyo aholisi jon boshiga 0,5 ga dan to'g"ri keladi. Yer yuzi tuproq qatlaming hozirgi holati birinchi navbatda kishilik jamiyatining faoliyati bilan belgilanadi. Inson tuproqlarga ijobiy va salbiy ta'sir ko'rsatadi. Inson tuproqlarning hosildorligini oshirishi, yerlarning holatini yaxshilashi mumkin. Shuning bilan birga shahar qurilishi, atrof muhitning ifloslanishi, agrotexnik tadbirlarning talabga javob bermasligi natijasida tuproqlar bevosita yo'q qilinishi, yaroqsiz holga kelishi, emirilishi mumkin. Hozirgi kunda tuproqlar maydonining kamayishi uning tiklanishidan minglab marta tezroq, amalga oshmoqda.

Tabiatda shamol va suv ta'sirida tuproqlarning emirilishi yoki eroziyasi kuzatiladi. Inson faoliyati natijasida tezlashgan suv va shamol eroziyasi amalga oshadi. Antropogen eroziya tuproq resurslaridan noto'g"ri foydalanishning oqibati bo'lib, uning asosiy sabablari o'rmon va to'qaylarni qirqib yuborish, yaylovlarda chorva mollarini boqish normasiga amal qilmaslik, dehqonchilik yuritishning noto'g"ri metodlaridan foydalanish va boshqalardir. Turli ma'lumotlarga ko'ra har kuni yer yuzida eroziya natijasida 3500 hektar unumdar tuproqli yerlar ishdan chiqadi. Suv eroziyasi ko'proq, tog' oldi va tog'li rayonlarda, shamol eroziyasi tekisliklarda kuzatiladi. Chang bo'ronlari natijasida bir necha soat ichida tuproqning 25 santimetrgacha bo'lgan qatlagini shamol butunlay uchirib ketganligi haqida malumotlar mavjud.

Eroziya jarayonlarining oldini olish va unga qarshi kurashish uchun ko'plab chora-tadbirlar ishlab chiqilgan. Bularga o'simliklar qoplamini tiklash, agrotexnik tadbirlarni to'g^ri olib borish, yashil himoya qalqonlarini bunyod qilish, gidrotexnik tadbirlarni rejali o'tkazish va boshqalar kiradi. Sug'oriladigan dehqonchilik rayonlarida tuproqlarning sho'rланishi asosiy ekologik muammolardan hisoblanadi. Tuproqlarning sho'rланishi sug'orishni noto'g"ri olib borganda yer osti suvlari sathining ko'tarilishi natijasida ro'y beradi. Birlamchi va ikkilamchi sho'rланish kuzatiladi. Ikkilamchi sho'rланishda suv kappilyarlar orqali ko'tarilib tuzi tuproqda qoladi yoki ortiqcha sug'orish natijasida yer osti suvlari erigan tuzlar bilan sho'rланади. Ikkilamchi sho'rланish ko'proq zarar etkazadi. Tuproqlarning sho'rланishi Osiyo, Amerika va

Afrikaning ko'pchilik mamlakatlarida kuzatiladi. Sho'rланishning oldini olish uchun zovurlar o'tkaziladi, yerlarning sho'ri yuviladi. Tuproqlarning botqoqlanishi asosan namlik ko'p joylarda kuzatiladi. Suv omborlari atrofida ham botqoqlangan uchastkalar vujudga keladi. Botqoqlarni quritish uchun maxsus melioratsiya tadbirlari o'tkaziladi. Tuproqlarni ifloslanishdan saqlash muhim ahamiyatga ega. qishloq xo'jaligini kimiylashtirish tuproqlarning turli kimiyoiy birikmalar bilan ifloslanishini kuchaytirib yuboradi. Mineral o'g'itlar to'g'ri tanlanmasa va me'yorida ishlatilmasa tuproqning holati o'zgaradi, unumdoorlik xususiyati buziladi. Ayniqsa, zararkunandalarga qarshi, begona o'tlarga va o'simlik kasalliklariga chora sifatida keng foydlaniladngan pestisidlar gerbisidlar, insektisidlar, defoliantlarni me'yoridan ortiq ishlatish tuproqga juda salbiy ta'sir ko'rsatadi. Pestisidlar tuproqdagi foydali mikroorganizmlarni nobud qiladi va chirindining kamayishiga olib keladi. Masalan, DDT pestisidi ishlatilganidan 15 yil keyin ham tuproq tarkibida uning hali mavjudligi aniqlangan. Pestisidlar oziq zanjiri orqali o'tib, inson sog'lig'iga ham zarar etkazadi. Hozirgi kunda olimlar qisqa vaqt ta'sir etib sung parchalanib ketadigan biosidlar ustida ishlamoqdalar.

Tuproqlar sanoat korxonalari, transport chiqindilari, kommunal-maishiy chiqindilar bilan ham ifloslanadi. Kimyo va metallurgiya korxonalari, tog' kon sanoati chiqindilari tuproqlarni ayniqsa kuchli ifloslaydi va ishdan chiqaradi. Tuproqda simob, qo'rg'oshin, ftor va boshqa o'ta zaharli birikmalar to'planadi. Bu o'simliklarga salbiy ta'sir ko'rsatadi, bazilari nobud boladi va insonlarda turli xavfli kasalliklarni keltirib chiqaradi. Tuproqlarni maxsus tadbirlar o'tkazib tozalash qiyin. Shuning uchun tuproqlarni ifloslanishidan saqlash tadbirlari o'z vaqtida o'tkazilishi va qonuniy nazorat o'rnatilishi kerak. Qupg'oqchil yerlarda cho'lga aylanish jarayonlarinining oldini olish muhim ahamitga ega. Harakatchan qumlarning yo'lini to'sish yashil qalqonlar bunyod qilish tuproqlarni saqlab qoladi. Tuproq qatlaming turli yo'llar bilan nest-nobud qilinishi muammosi ham mavjud. Shahar va yo'l qurilishi natijasida unumdoor tuproqlar nobud qilinadi. Yer osti boyliklarini qazib olishda ham ko'plab tuproqlar nobud bo'ladi. Bunday jarayonlarni oldini olishning maxsus tadbirlari mavjuddir. O'zbekiston qishloq xo'jalik ishlab chiqarishida yer resurslariiing 95 foizi va suv resursarining 85 foizi ishlatiladi. Sug'oriladigan yerlar umumiy yer fondining 15 foizini tashkil qiladi. (Tzbekistonda mavjud sug'oriladigan yerlarning 50 foizdan ortig'i sho'rlangan. ayniqsa Qoraqalpog'iston respublikasi Buxoro va Sirdaryo viloyatlari tuproqlari kuchli sho'rlangan. Tuproqlarda chirindi miqdori 30-50 foizgacha kamaygan. 2 mln.gektardan ortiq yerlar eroziyaga uchragan. Bunday yerlar Farg'ona, Surxondaryo, Qashqadaryo viloyatlarida keng tarqalgan. Tuproqlarning pestisidlar bilan ifloslanish darajasi yuqori. Bunday vaziyatning asosiy sabablaridan biri, uzoq vaqt davomida paxta monokulturasi hukumronligidir. Oxirgi yillarda paxta maydonlarining kamayishi, almashlab ekishning kengroq joriy qilinishi, mineral o'gitlarni ishlatishining me'yorashtirilishi va boshqa tadbirlar tuproqlar holatinining yaxshilanishiga olib kelmoqda.

O'zbekiston juda ham boy yer resurslarga ega. Lekin shu kungacha ulardan samarali foydalanish yaxshi yo'lga qo'yilmagan. Respublikada yer va yer resurslaridan foydalanishni tartibga solish maqsadida 1990 yili (Jzbekiston Respublikasida «Yer to'g'risida» gi qonun qabul qilingan.

-жадвал

Тупроқларда пестицидларнинг мавжуд бўлишини РЭМ (мг/кг)

| Пестицид номи | РЭМ | Пестицид номи | РЭМ |
|--------------------------|-------|---------------|-------|
| Агелон | 0, 15 | Линурон | 1,0 |
| Акрекс | 1,0 | Метафос | 0,1 |
| Атразин | 0,5 | Ронит | 0,8 |
| Гамма — ГХПГ (линдан) | 0,1 | Севин | 0,,5 |
| ГХЦГ | 0,1 | Семерон | 0,1 |
| Гептахлор | 0, | Фосфамид | 0,1 |
| Гетерофос | 0,5 | Хрофос | 0,5 |
| Карбофос | 2,0 | Метафос | 0,,15 |

-жадвал

Тупроқларда оғир металларнинг мавжуд бўлишини РЭМ (мг/кг)

| Металл | РЭМ | Элемент шакли |
|-----------------|----------|---------------------|
| Мишъяк | 2.0 | Жами мавжуд бўлиши |
| Симоб | 2.1 | Жами мавжуд бўлиши |
| Кўргошин, симоб | 20,1 1,0 | Жами мавжуд бўлиши |
| Хром (VI) | 0,05 | Жами мавжуд бўлиши |
| Марганец | 1500 | Жами мавдуд бўлиши |
| Сурма | 4.5 | Жами мавжуд бўлиши |
| Мис | 3,0 | Харакатчан бирикма |
| Никел | 4.0 | Харакатчан бирикма |
| Рух | 23.0 | Харакатчан бирикма |
| Кобальт | 5.0 | Харакатчан бирикма |
| Хром | 6,0 | Харакатчан бирикма. |

2.2. O'zbekistonda er pecypclaridan foydalanish jarayonida vujudga kelgan muammolar

O'zbekiston Respublikasining maydoni 447,4 ming km². SHundan qishloq xo'jaligida foydalanadigan erlar 28081 ming ga, sug'oriladigan erlar maydoni 4,2 mln.. ga dan ziyod, yaylovlar va pichanzorlar-22965,0 ming ga, lalmi haydaladigan erlar 765 ming ga, o'rmonlar maydoni 1,3 mln.. ga, foydalanimaydigan davlat zahirasidagi erlar maydoni 15309,9 ming ga. ni tashqil qiladi.

Quruq iqlim sharoitida sug'oriladigan erlar beqiyos ahamiyatga ega. Obikor erlar Respublikada er maydonining 10% qismini egallagan holda o'simlikshunoslik bo'yicha etishtiriladigan barcha mahsulotning 95%ini etkazib beradi. Darvoqe, sug'orma erlearning har bir qarichidan samarali foydalanish benihoya ulug'vor ahamiyat kasb etadi. Ularning mahsuldarligining barqaror oshirib borish, biror ga maydonning ham muomaladan chiqib ketishga yo'l qo'ymaslik asosiy vazifa bo'lib qolishi ayni muddao.

Avvalari Respublikada paxta yakka hokimligi hukm surgan davrlarda asosiy maydon (qariyb 2 mln. ga er) g'o'za bilan band bo'lgan. Mamlakatimiz mustaqillikka erishgandan so'ng sug'oriladigan erlardan foydalanish strukturasi jiddiy o'zgardi (-jadval).

-jadval

O'zbekistonda sug'oriladigan erlardan foydalanish

(umumi erga nisbatan foiz hisobida)

| Ekinlarning turi | 1990 y. | 2002 y. |
|--------------------------------|---------|---------|
| Boshoqli va boshqoqli-dukkakli | 12,7 | 40,0 |
| shu jumladan: boshoqli | 5,5 | 33,4 |
| makkajo'xori | 2,7 | 1,1 |
| sholi | 4,3 | 5,1 |
| Texnik ekinlar | 55,9 | 41,5 |
| shu jumladan, g'o'za | 54,8 | 40,8 |
| Sabzavot, kartoshka, poliz | 5,0 | 5,9 |
| Em-xashak | 26,4 | 12,6 |
| shu jumladan makka silos uchun | 4,9 | 3,0 |
| beda | 18,5 | 6,4 |

Boshoqli ekinlar maydonining 1 mln.. ga. ga qadar kengaytirilganligi g'alla mustaqilligiga erishish niyati bilan bog'liq. Albatta, g'alla ham em-xashak ham mamlakat uchun zarur. Lekin beda ekiladigan maydonning 673 ming ga. dan 232 ming ga. qadar kamaytirilishi sug'orma erlarning mahsuldarligiga salbiy ta'sir etishi sezilmoxda, shuningdek, chorva uchun ham ozuqa kamayib bormoqda. Paxta hosildorligi har ga. maydondagi 26 ts. dan 22,4 ts. ga. cha kamaydi, em-xashakli ekinlarniki esa 1,5 marta pasaydi. To'g'ri tan olish kerakki, sug'orma erlarning ekinlar ekish tuzulmasi haligacha takomillashmagan. Biznincha, tuproq unumdarligiga ziyon etkazmagan holda uning mahsuldarligini borgan sari oshirib borish asosiy maqsad bo'lishi lozim.

Turli sabablarga ko'ra, har yili ko'plab dalalarga ekin ekilmay qolib ketishi xollari ham bo'lmoq. O'rtacha 130-140 ming ga sug'orma erlardan foydalanilmaydi. CHunonchi, 1997 yilda Qoraqolpog'iston Respublikasida 47,6, Qashqadaryoda-32,9, Sirdaryo viloyatida 22,4 ming ga. erdan foydalanilmagan.

Lalmi erlar Respublika tog' oldi va past tog'larda mavjud bo'lib, ularning jami maydoni qariyb 500 ming ga. yaqin. Olinadigan g'alla hosili o'rtacha (atmosfera yog'inlarining miqdoriga qarab) 8-12 ts. gacha boradi. 1998 yil seryog'in-sochin bo'lganligi tufayli adirlar va tog'lardagi lalmikor erlarda bug'doy hosildorligi 14-18 ts. ga etdi.

Sug'oriladigan va lalmikor erlardan foydalanish jarayonida vujudga kelgan muammolar.

Vohalarning tabiiy-meliorativ sharoitlari ularning joylashgan hududlariga ko'ra turlicha: daryolarning yuqori terrasalarida grunt suvlarning yotiqligi qo'mini to'la ta'minlanganligi tufayli ularning chuqurligi 8-10 m. pastda joylashgan, binobarin tuproqda tuz to'planishi yuz bermaydi, faqat qiyaroq (2-3°) tekisliklarda yuzaki yoki chuqurlama eroziya hodisasi yuz berishi mumkin. CHirchiq, Ohangaron, Qashqadaryo, Zarafshon, Surxonaryoning III va IV terrasalari qalin lyoss va lyossimon jinslardan, ularning ostida dag'al jinslar mavjudligi tufali grunt suvlari yotiqligi nihoyatda tez, lekin lyoss yotqiziqlari to'lqinsimon relief vujudga keltirganligi sababli yonbag'irlarda eroziya sodir bo'ladi, ayniqsa jar eroziyasi eng xavfli.

Daryolarning quyi qismlari-deltalari, soylarning konus yoyilmalarining o'rta va etaklaridagi hududlar mexanik tarkibi asosan og'ir bo'lgan qumoq va qumloq, gil, goho qumli yotqiziqlardan tuzilgan. Er betiga yaqin joylashgan lyossimon yotqiziqlarning suv o'tkazuvchanlik qobiliyati nihoyatda kam bo'lganligi (K_f sutkasiga-0,01-0,005 m) va delta tekisliklarining nishabligi juda ham yotiqligi (qiyalik tangens bo'yicha 0,001-0,0002) tufayli grunt suvlarning harakati nihoyatda sust. Oqim deyarli sezilmaydi, faqat tik harakat nihoyatda kuchli yuz beradi. Gap shundaki, grunt suvlarning oqib kelishi sezilarli, lekin oqib ketishi yo'q darajada. Demak, tik harakatning kuchliligi sababli vegetatsiya davrida grunt suvlarning er betiga yaqinligi kuchayadi, ularning chuqurligi bu holda 1-3 m, ba'zan 3-5 m tashkil qiladi. Bug'lanish natijasida grunt suvlarning minerallashuv darajasi ortib boradi, bug'lanishga sarf bo'lgan namlikning tuzlari tuproqda to'plana boradi. SHuning uchun ham g'o'za, makkajo'xori egatlarida yozning ikkinchi yarmida oppoq tuz qoplamni vujudga keladi. Daryolarning quyi terrasalari (I-II) da ham ushbu hodisa yuz beradi, lekin bu hududlarda tuz to'planish darajasi unchalik kuchli tarzda ro'y bermaydi(3-chizma).

Tuproqlarda tuz to'planish hodisasi Mirzacho'l, Jizzax, Qarshi, SHerobod cho'llari, Markaziy Farg'ona, Xorazm, Qoraqalpog'iston, Buxoro, Qorako'l vohalarida kuchli yuz beradi. Grunt suvlari sathini pasaytirish maqsadida avvaldan zovur tarmoqlari vujudga keltirish asosida sug'orma dehqonchilik bilan shug'ullanib kelinadi. Samarali ishlaydigan zovur tarmoqlari qishda erni yuvish bilan bir majmuuda yaxshi natija beradi, tuz to'planishini oldini olishga erishiladi. Faqat grunt suvlari sathining 2,5-3 m dan pastda saqlash bilan kuchli tarzda tuz to'planishning oldi olinadi. Bunda grunt suvlarning minerallashuv darajasi har litrda 5 g.dan ortganda shuncha chuqurda, agarda u 3-5 g bo'lgan taqdirda 2-2,5 m da saqlash ham yaxshi natija beradi.

Viloyatlar bo'yicha sug'oriladigan erlarning sho'rланish darajasi turlicha(-jadval).

-jadval

O'zbekistonda sug'oriladigan erlarning sho'rланishi, ming ga. (Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi ma'lumoti bo'yicha) 2001 y

| Viloyatlar | Sug'ori-ladigan erlar maydoni | Sug'oriladigan erlarning sho'rланish darajasi bo'yicha taqsimlanishi | | | |
|--------------------------|-------------------------------|--|---------|----------|-----------------------|
| | | sho'rлан-magan | kuchsiz | o'rtacha | kuchli va juda kuchli |
| Andijon | 275,1 | 245,2 | 14,9 | 14,9 | - |
| Buxoro, Navoiy | 271,8 | 15,4 | 160,1 | 62,5 | 33,8 |
| Jizzax | 290,6 | 51,7 | 161,1 | 73,3 | 4,1 |
| Qashqadaryo | 497,4 | 275,1 | 162,3 | 45,9 | 13,7 |
| Namangan | 270,3 | 233,6 | 33,1 | 2,7 | 0,9 |
| Samarqand | 370,3 | 351,2 | 12,9 | 5,3 | 0,9 |
| Surxondaryo | 326,2 | 196,8 | 75,4 | 50,2 | 3,8 |
| Sirdaryo | 296,5 | 12,9 | 220,9 | 48,7 | 13,9 |
| Toshkent | 377,1 | 366,9 | 7,8 | 2,1 | 0,3 |
| Farg'ona | 351,6 | 140,8 | 173,1 | 32,0 | 5,7 |
| Xorazm | 270,8 | - | 162,3 | 77,5 | 31,0 |
| Qoraqalpog'iston | 500,9 | 35,9 | 230,1 | 181,9 | 53,0 |
| Respublikasi | 4220,2 | 1942,9 | 1483,9 | 628,0 | 165,6 |
| O'zbekiston Respublikasi | | | | | |

Keyingi vaqtarda KZS ni daryolarga tashlanishi tufayli sug'oraladigan suvlarning minerallashuvularning o'rta va quyi oqimlarida 0,3-0,6 g dan 0,8-1,6, (joylarda undan ko'p) g. gacha ortdi, bu hol ulardan sug'orishda foydalanilganda tuproqda ortiqcha tuzlar to'planishiga olib kelmoqda. Mutaxassislarning hisob-kitobicha har ga. maydonga Quyi Amudaryoda 9-27 t. tuz daryo suvi orqali yotqizilmoqda. Bu hol mavjud zovur tizimlarini nihoyatda samarali ishlashi hamda ularning zichligini yanada ko'paytirishga ta'sir etmoqda. To'g'ri, sug'oriladigan erlardan katta miqdorda tuzlar zovur suvlar bilan birgalikda chiqarilmoqda, lekin vohalar barcha joylarda yuqori samara bilan ishlaydigan zovur tarmoqlari bilan to'la ta'minlanmagan. Buning hisobiga joylarda musbat tuz balansi mavjud. Masalan, Xorazm vohasida 1970 yilda kuchli va o'rtacha sho'rланган erlar maydoni 22,4 % dan 1995 yilga kelib 42,1 foizga oshdi. Xuddi shunday ahvol Qoraqalpog'istonda kuzatilmoqda. Bundan shunday xulosa chiqarish mumkin, ya'ni daryo suvlarining sho'rligini avvalgi tabiiy (1961 gacha bo'lgan) holdagi ko'rsatkichlarga kamaytirish darkor.

Prezidenti Islom Karimov 1996 yil 25 oktyabrdagi Jizzax, 28 oktyabrdagi Sirdaryo viloyatlari xalq deputatlari kengashlarida, 1997 yil 17 iyulda Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesida so'zlagan nutqlarida ushbu viloyatlarda sug'oriladigan erlarning meliorativ ahvolining buzilish sabablarini chuqur tahlil qilib berdi. Jizzax viloyatida keyingi 4 yil ichida paxta hosildorligi 29 ts. dan 17,6 ts. ga tushib ketdi. Buning sabablari: 1) kuzgi va qishki dala ishlari o'z vaqtida bajarilmaydi, 1995 yilgi hosilga tayyorgarlik ko'rishda paxta maydonini 80%ni bahorda shudgor qilindi, 2) sug'oriladigan erlarning asosiy qismi sho'rланган, sho'r yuvish ishlari 60% ni tashkil qilmoqda, ochiq zovurlarning yaroqsiz holga kelgan qismi 27% ga etgan, Armasoy va Zarbdor tumanlarida bu ko'rsatkich 34-35% ga ko'tarilgan, yopiq zovurlarning 20% i ishdan chiqqan va b. Natijada erlarning meliorativ holati yomonlashib ketgan.

Sug'oriladigan erlarning mahsuldarligi deflyatsiya(shamol eroziyasi) natijasida ham kamayadi. SHamol tuproqning ustki unumdar qismini uchirib ketishi tufayli uning gumusli (chirindili) qatlami kamayib boradi, mexanik tarkibi engillashadi, foydali elementlar va chirindining uchib ketishi kabi holatlarning sodir bo'lishi tuproqning qashshoqlanishiga olib keladi. Masalan, Markaziy Farg'ona (Qo'qon guruhi tumanlari), Qarshi, SHerobod, Mirzacho'l cho'llarida tuproq shamoldan jiddiy zarar ko'rgan. Hozir Respublikamizdagи sug'oriladigan erlarning atigi 1,2 mln.. ga. qismi shamol eroziyasiidan himoya qilingan. Barcha erlarning eroziyadan saqlash uchun mavjud bo'lgan 40 ming ga. ihotazorlar maydonini 112 ming ga. ga etkazish lozim.

Quyi Amudaryoning sug'orilmaydigan shimoliy hududlarida antropogen cho'llashishni 60 - yillardan boshlab kuchayishi tufayli shamol faoliyati, ayniqsa kuchayib bormoqda. Mavjud to'qay tuproqlari, ya'ni o'tloq-taqirli, qurigan o'tloq va botqoq tuproqlarning chirindiga boyligi (1-5% va undan ziyod) bilan ajralib turadi. Grunt suvlar sathining keskin tushib ketishi natijasida bu tuproqlarning yuqori qatlamlari juda ham qurib ketdi, avvalari zinch holda o'sgan to'qay o'simliklari ham namlikning etishmasligi oqibatida ancha siyraklashdi, natijada shamol eroziysi ta'siri ancha jiddiy tus oldi. Endilikda deflyatsiya chirindiga boy to'qay tuproqlarning qatlamlarini uchirib ketishi tufayli ular qashshoqlanib bormoqda. Tekshirishlar natijalariga ko'ra, ularning joylarda yuqori 0-5 sm. li qatlami barcha joylarda zarar ko'rgan, ba'zan shamol o'yan chuqurliklar 5-15 sm. dan 0,5 m. gacha boradi. YUK avtomobili izlarida shamolning o'yuvchanligi natijasida vujudga kelgan chuqurliklar deflyatsiya uchun eng yorqin misol. Avtomobil dala sharoitida yurganda o'simlik qoplamini ezib, sindirib tuproqlarni zichlab o'tadi. Agarda shu yo'ldan yuk avtomobili ikkinchi marta o'tsa, o'simlik qoplami butunlay halok bo'ladi, tuproq usti esa 3-5 sm. dan 10-15 sm. gacha cho'kishi qayd etilgan. SHamol avtomobil qoldirgan izni o'yib uni chuqurligini yanada ortiradi (0,5-1 m. gacha). YURISH uchun juda noqulay holga kelgan bu yo'ldan yuk avtomobili o'tmay, uning yonidan yangi yo'l soladi. SHu tariqa shamol eroziyasiga uchragan hudud maydoni kengayib boradi. Hisob-kitoblarga qaraganda, agarda shamol ta'sirida eroziyaga uchragan mintaqani kengligi 4 m. deb olinsa, u holda har 2,5 km. masofada I. ga maydondagi tuproq yaroqsiz holga kelganligi ayon bo'ladi.

Orol dengizining qurigan qismida (ayniqsa, uning eski qirg'oqdan boshlab 10-15 km. ichkari tomonida) deflyatsiyaning faoliyati juda tezkor, bu mintaqada shamol ta'sirida tipik barxanli, do'ngli va botiqli qum relef shakllari tarkib topgan: qum, tuz, tuzli chang shamol yordamida Amudaryo deltasi tomon muntazam uchib o'tmoqda. Mo'ynoq shahri hududida va uning atrofida vujudga kelgan qum uyumlari 80-90-yillarda vujudga keldi. Binobarin, shamol ta'siri katta kuch, uni xo'jalik yuritishda, albatta, hisobga olish darkor.

Sug'orma eroziya lyoss va lyossimon yotqiziqlarda relef qiyaligi 2^0 dan ortishi bilan boshlanadi va $3,5^0$ da ancha tezlashdi. X.M. Maqsudov (1989) olib borgan tajriba ishlarida aniqlanishicha relef qiyaligi $3,5^0$ bo'lgan g'o'za parvarishlanayotgan dalada bir marta sug'orilganda gektariga 1-12 t, vegetatsiya davrida esa 14-40 dan 54 t gacha tuproq yuvilgan. M.A. Pankov (1965) ning ma'lumotiga ko'ra, $3-5^0$ qiyalikka ega bo'lgan daladan suv bilan yuvilib tushgan mahsulot tarkibida 94% mayda tuproq va faqat 6% qum bo'lgan, shuningdek, unda 2% gumus va ko'p miqdorda azot aniqlangan. SHuning uchun ham eroziyaga duchor bo'lgan erlarda ekinzorlardan olinadigan hosil cho'g'i eroziyaga uchramagan me'yordagi erlarga nisbatan ikki marta kam bo'lishi aniqlangan.

Irrigatsiya eroziysi daryolarning IV-V terrasalarida, konus yoyilmalarining yuqori qismlarida keng tarqalgan. Ayniqsa, Toshkent viloyatining YAngiyo'l, CHinoz, Piskent, Ohangaron, Jizzax viloyatining /allaorol, Surxondaryo viloyatining Boysun, Qashqadaryo viloyatining Qamashi, CHiroqchi, YAkkabog', Kitob, SHahrисabz, Samarqand viloyatining Kattaqo'rg'on, Urgut va boshqa tumanlarida rivojlangan. Lalmikor erlarda eroziya yanada keng miqyosda ro'y beradi. X.M. Maqsudovning hisob-kitobicha bu maydon 700 ming ga. dan ziyod(8-jadval).

Tuproq eroziyasi sodir bo'ladiyan yuzaki chuqurlama (ariqchali) eroziya turlari ma'lum qulay sharoitlarda jar eroziyasiga o'tib boradi. Jar eroziyasi jarayonida hudud butunlay ishdan chiqadi. CHunki, 5-10 m. chuqurlik va 20-30 m. li jarlik vujudga kelishi natijasida o'ydim-chuqurlik tarkib topadi va u relef jihatidan xo'jalikda foydalanishdan chiqib ketadi.

2.3. Sug'oriladigan va lalmikor erlarning mahsuldorligini yanada yaxshilash choralar

O'zbekistonda sug'oriladigan erlar maydoni chegaralangan. CHunki, yangi erlarni o'zlashtirish uchun suv resurslari taqchil. Respublikada jami bo'lib sug'orilish uchun 18,7 mln.. ga. er yaroqli bo'lib uning faqat 4,2 mln.. ga. qismi qishloq xo'jalik muomalasiga kiritilgan, biz mavjud va dastlabki iqtisod qilingan suv resurslari hisobiga taxminan 0,7 mln.. ga. yangi er o'zlashtirish imkoniga egamiz, shunda barcha sug'orma erlar maydoni 4,9 mln.. ga. dan ziyodroq bo'ladi. To'g'ri, mavjud egat oralab sug'orish usulini zamonaviy sug'orish texnologiyasi bilan qadambaqadam almashtirib borish bilan talay suv resurslarini iqtisod qilish mumkin, lekin bu jarayon katta sarmoya, sarf-xarajatlarini talab qiladi. Mutaxassislarning hisob-kitob

qilishicha paxta maydonini hozirgi kattalikda (1,5 mln.. ga) saqlab qolgan holda hosildorlikni gektariga 33,5 ts. ga ko'tarishga erishilsa, paxta hosili 5 mln.. t, agarda hosildorlikni 40 ts. ga ko'tarishga erishilsa, u holda jami paxta hosili 6 mln.. t. ga etgan bo'lardi. Lekin arning mahsuldorligini shuncha miqdorda hosil olish uchun yaxshilash oson ish emas. Bunda avval tuproqning barcha maydonlarda meliorativ holati eng yuqori darajada bo'lishiga erishilishi lozim, ya'ni sho'rланish, eroziya, deflyatsiyaga barham berib, chirindi miqdorining avvalgi tabiiy ko'rsatkichi qaytadan tiklanishi kerak.

Sug'oriladigan erlarning zovur tarmoqlariga bo'lgan ehtiyoj qismi 3,3 mln.. ga. ni tashkil qiladi, amalda ularning 85%i zovur tarmoqlari bilan ta'minlangan. SHundan 2,4 mln.. ga. da yotiq va 0,4 mln.. ga. da tik zovurlar bilan ta'minlangan. YOpiq, yotiq zovurlar 581 ming ga. da mavjud. Bozor iqtisodiyoti sharoitida sug'orma erlarning irrigatsiya va melioratsiya

-jadval

O'zbekistonda eroziyaga berilgan tuproqlar maydoni

| Eroziya turlari | Maydon | | O'rtacha va kuchli yuvilgan, yoki deflyatsiyaga uchragan |
|---|---------|------|--|
| | ming ga | % | |
| 1.Tuproq eroziyasi, shu jumladan: | | | |
| a) tog' yaylovlarda va pichanzorlarda | 5644,9 | 12,7 | 3700,0 |
| b) haydaladigan erlarda | 1422,3 | 3,1 | 705,6 |
| lalmi erlarda jala eroziyasi | 700,4 | 1,5 | 416,5 |
| sug'oriladigan erlarda | 721,9 | 1,6 | 289,1 |
| 2.Deflyatsiya, shu jumladan: | 21873,4 | 48,7 | - |
| cho'l yaylovlarida | 20031,9 | 44,6 | - |
| sug'oriladigan erlarda | 1841,5 | 4,1 | - |
| 3.Tuproq eroziyasi va deflyatsiyaning birgalikda ro'y berishi | 1929,4 | 4,3 | 775,9 |
| 4.Eroziya va deflyatsiyaga berilmagan erlar | 14024,4 | 31,2 | - |
| Jami | 44884,4 | 100 | - |

tizimlarini boshqarish ancha murrikab bo'lmoqda. CHunki, ularni har yili ta'mirlash, tozalash, buzilgan yoki ishdan chiqqan qismlarni yangilari bilan almashtirish kerak, texnika vositasi, elektroenergiya, neft mahsulotlari zarur. SHuning uchun ham ochiq va yopiq, yotiq zovurlar bir necha yillardan beri tozalanmaydi, tik zovurlarning (ularning soni 5 mingga teng) 50%i mutlaqo ishlamaydi. Ehtiyyot qismlar etishmaydi, elektroenergiya qimmat va b.

Zovur tarmoqlarining muntazam tozalab va ta'mirlab turilmasligi natijasida ularning aksariyati yarmigacha to'lib qolgan (ishchi zovur chuqurligi me'yorida 2,6-

3,6 m bo'lishi lozim). Buning natijasida zovur atrofidagi grunt suvlarini tortib ololmaydi. Binobarin, ularning sathi er betiga yaqin turadi va sho'rланish manbaiga aylanadi. Agar zovur tarmoqlarini hech bo'lмагanda har uch yilda bir marta sifatli tozalansa va ta'mirlansa, uning samaradorligi ancha ortadi. Bu borada yopiq zovurlarning ishchi holati eng yuqori bo'lishi lozim. CHunki, ularda sopol quvurlarni loyqa bosishi tufayli o'z samaradorligini tezda pasaytiradi. Tik zovurlarning texnik ahvoli muntazam holda ishga yaroqli bo'lishi maqsadga muvofiq. CHunki, grunt suvlarining sathini qulay me'yorda saqlab turish uchun ularning ish qobiliyati kuchli. Tik zovurlar muntazam ishlab turgan hududlarda tuproqda tuz to'planishi qayd etilmaydi.

Quyi Amudaryoda sug'oriladigan erlarning meliorativ ahvoli juda og'ir, boz ustiga Qoraqalpog'istonning ayrim hududlari zovur tarmoqlariga ega emas, mavjud zovurlarning samaradorligi nihoyatda past, ular sho'r zovur suvlarini bazur chetga chiqarib tashlamoqda. Bu o'lkada melioratsiya bo'yicha maxsus dastur asosida katta ishlarni amalaga oshirish zarur. Gap shundaki, 0,5 mln.. ga. sug'orma erlarning har ga. maydonida katta samara bilan ishlaydigan (hozirda o'rtacha 32-35 m.) uzunligi 50-60 m. (paxta maydonlarida) bo'lgan yotiқ zovur tarmoqlari qurilishi zamон talabiga aylandi. Erlarni kapital va joriy tekislash, kuzgi va qishki sho'r yuvish ishlarini o'z vaqtida sifatli o'tkazish darkor.

Mirzacho'l, Jizzax cho'li, Buxoro vohasi, SHerobod cho'lidiagi sug'oriladigan erlarda etarli darajada (gektariga 35-40, joylarda 50-60 m) zich zovur tarmoqlari vujudga keltirilgan, ammo ularning asosiyligi qismi loyqa bilan to'lib qolgan, qamish, qo'g'a bosib yotibdi, agarda ularni muntazam tozalashga erishilsa va sho'r yuvish ishlarini sifatli amalga oshirib borilsa, tuproqdagagi tuzdan holi bo'lish tezlashadi. Bu borada tashkiliy ishlarni to'g'ri va rejali olib borish, ishni paysalga solmasdan o'z vaqtida bajarishga erishishni ta'minlash lozim.

Sug'oriladigan erlarning mahsuldarligining pasayishi ko'p hollarda eroziya bilan bog'liq. Tuproqda o'simlik ildizi rivojlanadigan qismining shamol ta'sirida buzilishi (chirindi miqdori kamayishi, mexanik tarkibi dag'allashuvi, foydali mikroelementlarni yo'qolishi va b.) uning vegetatsiya sharoitlarini noqulay ahvolga olib keladi. SHuni e'tiborga olib tuproq yuvilishi oldini olish zarur, chora-tadbirlar tizimini tatbiq qilish amaliy ahamiyat kasb etadi.

Avvalo, qiya yonbag'irlarni haydashga alohida ahamiyat berish zarur, erlarni ko'ndalangiga chuqur haydash yomg'ir suvlarini tuproq qatlamlariga chuqur kirib borishiga imkon beradi. Binobarin, tuproqning zichlanib ketmasligi bois namlik tezda singib ketadi, bunda oqim vujudga kelmaydi. Irrigatsiya eroziyasi boshlanmasligi uchun egatlarga suv taralayotganda sug'orish me'yoridan ortib ketmasligiga erishish kerak, suv ko'ndalangiga olingan ariqlar bo'yicha qanchalik kam miqdorda taratilsa tuproqni shunchalik yuvmaydi. SHuningdek, ariqlarning qisqaligiga ham ahamiyat berish maqsadga muvofiq. Eroziya jihatdan xavfli bo'lgan to'lqinsimon yonbag'irlar ma'lum masofalarda daraxtli ihotazorlar bilan band bo'lsa tuproq yuvilishi ancha kamayadi. Eroziyaga uchragan tuproqlarning mahsuldarligini oshirish maqsadida mineral va organik o'g'itlardan oqilona foydalanish darkor, shuningdek kimyoiy preparatlarni ("K" tipidagi polimerlar, polimerlarni suvli aralashmalari yoki oli-

gomerlari) ishlatilishi tuproq strukturasini yaxshilaydi, tuproqning yuvilishga berilishini kamaytiradi.

Jar eroziyasiga moyil bo'lgan juda qiya ($8-10^{\circ}$ va undan katta) yonbag'irlarni haydashda ko'pgina omillarni hisobga olish maqsadga muvofiq, avvalo barcha erlarni haydamasdan, faqat ayrim areallar bo'yicha ekin maydonlarini tayyorlash kuchli eroziyaning oldini oladi, mavjud daraxtli va butali o'simliklarni saqlab, yana qo'shimcha daraxtlar ekish zarur. Bu sharoitda lalmi er yaylov bilan almashib kelgani ma'qul.

Deflyatsiyaning oldini olish tub asosi bilan ihotazorlarni vujudga keltirish, mavjudlarini saqlab qolishga bog'liq. Sug'oriladigan va lalmi erlarda ma'lum masofalarda (200 m. dan 350 m. gacha va undan ko'p) ikki yoki to'rt qatorli daraxtzor mintaqalarini vujudga keltirish shamol kuchini ancha qirqadi. O'simliklarni kulis usulida joylashtirishga ahamiyat berish kerak.

Sug'oriladigan erlearning qashshoqlanishini to'xtatish va ularning mahsuldarligini oshirish uchun beda va dukkakli ekinlarni ma'lum reja asosida almashlab ekishga erishmoq lozim. Tuproqlarni bonitetlash, er kadastrini ishlab chiqish va ularga rioya qilish mo'l hosil olishga asos bo'ladi.

2.4. Минерал ўғитларнинг инсон саломатлигига таъсири

Мамлакатимизда салбий ижтимоий-экологик шароитнинг асосий сабабларидан бири қишлоқ хўжалигида кимёвий воситаларни ҳаддан ортиқ ишлатиб келинганлиги, инсон саломатлиги учун хавфли бўлган кимёвий дориворлардан фойдаланишнинг доимий назоратга олинмаганлиги бўлди. Республикаизда йилига 1,3-1,4 млн. тонна минерал ўғит ва 80-85 минг тонна ҳар хил пестицидлар ишлатиб келинди. Шундан ярмига яқини дефолиантларга тўғри келади. Ўртача ҳар бир гектар суғориладиган майдонга 300-350 кг. минерал ўғит ва 20-25 кг пестицидлар ишлатилади.

XX асрда қишлоқ хўжалигида пестицидларнинг кенг қўлланилиши натижасида кишилар заҳарли кимёвий моддалар билан ишлашига тўғри келди. Бундай ҳолатларда руҳий бузилишлар (85%), асаб ва ҳис-туйғу аъзолари хасталиклари (109%), нафас олиш хасталиклари (108%) ортиши кўзга ташланди.

Пестицидлар оммавий равишда қўлланиладиган минтақаларда ишлайдиган аҳоли ўртасида бошқа туманларга нисбатан кўп зиён кўриш ва хасталаниш ҳоллари мунтазам қузатувлар давомида аниқланган.

Ҳозирги пайтга келиб бу кўрсаткич маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш ҳисобига анча камайган. Таҳлил ҳисботлари шуни кўрсатадики, республикаизда сақланаётган эскирган пестицидлар микдори 1432,7 тоннани, шундан, турғун органик пестицидлар 118 тоннани ташкил этади, улар махсус қабристонларда сақланади. Республикаизда бундай қабристонлар 13 тани ташкил қиласди.

Мамлакатимизда ўтган асрнинг 80-йилларда ўтказилган тадқиқотлар ҳомиладорлик ва туғиши пайтидаги мураккабликлар, ўлик туғилишлар, чақалоқлардаги нуқсонлар пестицидлар ишлатиш миқдорига боғлиқлигини кўрсатади. Шу нарса аниқландик, пестицидлар кўп ишлатиладиган районларда саломатлик кўрсаткичлари жуда ёмон ахволда. Мутахасисларни фикрича “Пестицидлар” айрим кимёвий доривор радиация каби, ҳатто ундан ҳам кучлироқ таъсир қилиши муносабати билан ташвишланишга етарли асослар мавжуд. Кўп ишлатиладиган қатор кимёвий моддалар айрим организмларда ирсий нуқсонларни келтириб чиқаради.

Атроф-муҳитни ифлослантирувчи кимёвий моддаларнинг мутаген имкониятини аниқлашнинг баъзи усуllibарини кўп олимлар ўрганиб чиқишиган. Кимёвий мутагенез оқибатларини ўрганиш ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб эътиборни жалб қила бошлади. Кейинчалик адабиётларда “супермутагенлар” тушунчаси қарор топди. У беқиёс мутагенликка эга бўлган ҳолда организмлар ва хужайраларнинг ҳаёти фаолиятига таъсир кўрсатмайдиган моддаларни билдиради. Супермутагенлар радиацияга нисбатан ўнлаб ва юзлаб мутаген фаолликка эга. Атроф-муҳитнинг пестицидлар, гербицидлар, дефолиантлар ва хоказолар билан ифлосланиши оқибатларини ўрганиш ҳозир энг муҳим экологик муаммо бўлиб турибди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда соғ пестицидлар шунингдек, инсон ва жониворлар учун хавфли дориворларни қўллаш ҳажмларини имкон борича камайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан яқин вақтларда пестицидлар билан ифлосланишга қарши зудлик билан чоралар кўрилишини тақозо этадиган туманлар ва вилоятларни аниқлаш керак. Бунинг учун эса пестицидлар қолдиқлари билан алоҳида минтақаларнинг ифлосланишини аниқлайдиган услубиётчилар зарур.

Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида инсон истеъмол қиласидиган сув миқдори ортади. Сув билан инсон танасига ҳар хил заарли моддалар кўп миқдорда кириши туфайли улар янада кўпайиши мумкин.

Ўтган асрнинг 90 йилларига қадар пахтачилиқда агрохимикатлар ишлатилиш даражасининг ўсиб бориши ўткир ошқозон-ичак кассаликларини келтириб чиқарди.

Табиатга агрокимёвий таъсирларнинг оқибатларини ўрганиш вазиятга баҳо беришда муҳим кўрсаткичdir. Мутахасислар минтақа тоғларидаги дараҳт баргларида, ўт-ўланларда ва тупроқда пестецидлар узоқ муддат сақланиб қолишини аниқлаган. Шунингдек Олтингугурт гази устида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдик, ўсимликлар газни сульфатга айлантириб қолмасдан, олтингугуртни водород ҳолатига қайтарар экан. Бинобарин, газ тўлқини ўтганидан сўнг айни шу газ ҳавони икки марта ифлослантиради.

Ўтган асрда минерал ўғитларнинг кенг қўлланиши минтақада муҳим муаммо – ўғитлар баҳосининг арzonлиги ва аксарият аҳолининг ортиқча ўғит солиши заарини билмаслиги баъзан ҳосилдорликни ошириш ўрнига уни пасайишига олиб келади. Ўғитлардаги азот тупроқда ва организмларда нитратларга ва уларга нисбатан 20 марта заҳарли хатарли моддаларга айланади. Сувда, ем-хашакда уларнинг мавжудлиги жуда ўткир ошқозон-ичак бузулиши,

заҳарланишлар ва сурункали касалликлар уйғотади. Нитратлар гемоглобиндаги 2 валентли темирни уч валентли қилиб метгемоглобинга, нитратларни нитрогемоглобинга айлантиради. Гемоглобин таркибида улар 20%га етса, кислород етишмаслиги юзага келади, 80% етса бу фожиадир.

Бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда азот ўғитларидан кўп миқдорда фойдаланишга ружу қўйиб бўлмайди. Зеро АҚШда ва Европада ёғингарчилик кўп бўлиб, тупроқ ювилиб тургани боис бу ўғитдан кўп фойдаланилган.

Азот ўғитларини ишлатиш технологиясининг бузилиши хатарли оқибатларга олиб келади. Холбуки, ҳар йили азот ўғитларининг ишлатилиши ҳажман ортиб бормоқда. Чунончи, 1990 йили 593,4 тонна ишлатилган бўлса, 1995 йилга келиб бу кўрсаткич 760 минг тоннага етди. Ҳозир ҳам бу миқдорлар сақланиб қолмоқда. Илмий маълумотларга қараганда, азотли ўғитлар самарадорлиги 40-45%ни ташкил қиласи, қолган қисми ер ости ва ер усти сувларига ўтиб, уларни нитрат билан ифлослантиради. Бу ифлосланишнинг олдини олиш борасида ЎзФА “Биолог” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қатор амалий ишларни амалга оширмоқда. Бу борадаги саъй ҳаракатларни янада жадаллаштириш лозим. Хусусан азот ўғитларини қўллаш маҳсус дастурни тақозо этади. У қўйидагиларни қамраб олиши керак:

- тупроқ, сув ва ҳавода азотнинг маҳаллий тўпланишини ҳисобга олиш;
- секин ювилиб кетадиган ва экинлар секин ўзлаштирадиган шаклларни танлаш ва бошқа озиқ моддалар билан азотнинг мақбул тарзда уйғунлашишига эришиш;
- экинларга меъёрида минерал ўғитлар солиш ва алмашлаб экиш мониторингини ташкил қилиш;
- ўғитларни, зааркунандаларни, ҳосил сифатини аниқлаш тизимини ташкил этиш;
- минерал ўғитларни мевали ва бошқа экинларга солиш назоратини ташкил этиш ва бошқалар инобатга олиш лозим.

Хулоса ва тавсиялар

Ўзбекистон Республикаси ер фонди 44,9 млн. га ни ташкил қилади. Ер фонди куйидаги тоифаларга ажратиласди:

1. қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;
2. аҳоли пунктларининг ерлари;
3. саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;
4. табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;
5. тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар;
6. ўрмон фонди ерлари;
7. сув фонди ерлари;
8. захира ерлар.

қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ер фонди уч тоифага бўлинади: сугориладиган ерлар, лалмикор ерлар, табиий яйловлар.

Табиий яйловлар 50,1%, сугориладиган ерлар 9,7%, лалмикор ерлар 1,7%, ўрмонлар 3,2% , бошқа ва фойдаланилмайдиган ерлар 35,3% ни ташкил қилади. Сугориладиган ерлар 4,3 млн. га ни ташкил қилади ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 93%дан ортигини беради.

Ўзбекистонда мавжуд сугориладиган ерларнинг 50 % дан ортиғи шўрланган. Айниқса қорақалпоғистон республикаси, Бухоро ва Сирдарё вилояти тупроқлари кучли шўрланган. Тупроқларда чиринди микдори 30-50%гача камайган.

2 млн. гектардан ортиқ ерлар эрозияга учраган. Шамол эрозияси катта майдонни эгаллаган. Сув эрозияси асосан тоғ олди, тоғли ҳудудларда кузатиласди ва яйловлардан нотўғри фойдаланиш, тик ён бағирларни нотўғри ҳайдаш ва ўсимлик қопламишининг камайиши натижасида амалга ошади. Бундай ерлар Фарғона, Сурхондарё, қашқадарё вилоятларида кенг тарқалган.

Ўзбекистонда тупроқларнинг минерал ўғит ва захарли кимёвий моддалар билан ифлосланиш даражаси доимо юқори бўлган. Бундай вазиятнинг асосий сабаби узок вақт давомида юқор ҳосил олиш ва заракунандаларга қарши кураш мақсадларида кимёвий модаларнинг ҳаддан ташқари ортиқча ишлатилганигидир. Охирги йилларда пахта майдонларининг камайиши, алмашиб экишнинг кенгроқ жорий қилиниши, минерал ўғитлар, пестицид ва гербициidlар ишлатилишининг меъёрлаштирилиши ва бошқа тадбирлар тупроқлар ҳолатининг яхшиланишига олиб келмоқда.

Шаҳарлар ва саноат районларида тупроқларнинг оғир металлар ва бошқа заҳарли бирикмалар, шу жумладан қўрғошин, мис, кадмий билан кучли ифлосланиши кузатиласди. Айниқса Олмалиқ, Навоий, Тошкент шаҳри ва атрофи тупроқлари кучли ифлосланган.

Ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизими- ер мониторинги ўтказиласди.

Ўзбекистон жуда ҳам бой ер ресурсларга эга. Лекин шу кунгача улардан самарали фойдаланиш яхши йўлга қўйилмаган. Республикада 160 минг

гектардан ортиқ ерлар техноген бузилгандир. Ер ва ер ресурсларидан фойдаланиши тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон республикасида 1998-йили «Ер кодекси» қабул қилинган.

Ернинг чекланганлиги ва сифат таркибининг пастлиги, тупроқ эрозияси, шўрланишини ифлосланиши, эрозия, яйлов депрессияси билан боғлиқ бўлган экологик хавф-хатар тўхтовсиз ортиб бормоқда. Республика суғориладиган ерларнинг 2 млн гектари (50 % га яқин) бузилиш хавфи остида қолган. Улар асосан шўрланган ерлардир. Бу ерларнинг 0,8 млн. гектари ўртача ва кучли даражада шўрланган. Қорақалпоғистон, Бухоро, Сирдарё вилоятлари ерларининг 90-95 %, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларининг 60-70 % ерлари шўрланган. Республика тупроғининг асосий сифат кўрсаткичи ҳисобланган унумдорлик (гумус) 30-35% га пасайиб кетган. Шамол эрозиясига (дефляция) учраган ерлар майдони 2,1 млн гектарга, сув эрозияси таъсиридаги майдонлар эса 0,7 млн га teng. Мамлакатдаги 22 млн яйловнинг 6 млн гектари – шамол, 3 млн гектари эса сув эрозияси таъсиридадир. ДДТ пестицидидан фойдаланиш 1983 йил таъқиқланганига қарамай, унинг тупроқдаги миқдори ҳамон нормадан 2-4 баробар ортиқдир.

Тупроқнинг ҳар хил саноат чиқиндилари ва майший чиқиндилар билан ифлосланиши реал таҳдид туғдирмоқда. Тупроққа ортиқча ишлов бериш унинг нурланишига ва пестицидлар, оғир металлар чангি Билан ифлосланишига, таркибидағи чириндининг камайишига, эрозиянинг авж олишига ва бошқа салбий оқибатларга олиб келди.

Ўзбекистонда ернинг ишдан чиқишига асосан суғориш ва зовур тизимининг эскириши, суғориш техникасининг қолоқлиги ва сувдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилиши сабаб бўлди, бу эса ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувига ва тупроқ таркибида тузининг кўпайиб кетишига олиб келди. Ернинг яроқсиз ҳолга тушиши муаммоларни тубдан ҳал этиш учун суғориш тизимини бутунлай қайта таъмирлаш, табиат берган текин неъмат сувга бўлган муносабатни ўзгартириш, шунингдек эрозияга қарши агротехник, хўжалик, ўрмон мелиоратив, гидро техника тадбирларини амалга ошириш зарур.

Ердан фойдаланиш соҳасида вужудга келган амалиётнинг камчиликлари келтириб чиқарган экологик муаммолар тугуни фақат мамлакат қишлоқ хўжалигини изчил суратида ислоҳ қилган тақдирдагина ечилиши мумкин.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигининг ўзини ҳам, дехқон ва қишлоқ аҳолисининг яшаш мұхитини ҳам соғломлаштириш учун экинларни алмашлаб экиладиган турларини кўпайтиришга ўтиш (бедазорлар ва бошқа ўтзорларни кенгайтирган ҳолда) мухим аҳамиятга эга. Мамлакат иқтисодиётининг мустаҳкамлашиши ва унинг экспорт имкониятларинишиб бориши бунинг учун яхши шароитлар яратади.

Бунда қўйидагилар асосий ўринни эгаллаши керак; қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиши яхшилаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таркибини қайта кўриб чиқиш, яйлов ерларидан фойдаланиши яхшилаш, самарадорлигини ошириш ерни шўрланишини бартараф этиш ва бошқалар.

Ердан фойдаланиш, уни асраш, муҳофазалаш соҳасидаги экологик хавфсизликни кучайтириш ва ўтмиш давр асоратларини бартараф этишнинг асосий йуналишлари қўйидагилардан иборат; 1). Замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. 2). Заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш. 3). Экин зааркунандаларига қарши курашишда биологик усуслардан кенг фойдаланиш. 4). Суғориш сувидан меъёридан ортиқча фойдаланиш оқибатида иккиласмчи шўрланишининг авж олишига қарши кураш тадбирларини амалга ошириш. 5). Тупроқлар эррозиясига қарши курашиш. 6). Ердан фойдаланишни оқилона тежаб тергаб фойдаланишнинг интенсив йўлига ўтиш. 7). Ердан фойдаланишда иқтисодий рағбатлантириш, ифлослантирганлик учун солинадиган маҳсус солиқлардан кенг фойдаланиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
5. Атроф табиий муҳитни муҳофза қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. – Т., 2002.
6. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси. – Т., 1998. 78 б.
7. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. – М.: ЮНИТИ, 1998.
8. Алимов Т.А., Рафиқов А.А. Экологик хатолик сабоқлари.- Т.: Ўзбекистон, 1991.
9. Банников А.Г. и др. Основы экологии и охрана окружающей среды.- М.: Колос, 1999.
10. Баранский Н. Н. Научные принципы географии. Избранные труды-М.: Мысль, 1980.
11. Бекнозов Р.У., Новиков Ю.В. Охраны природы.-Т.: Ўқитувчи, 1995.
12. Иброҳим Каримов. «Маънавият, фалсафа ва ҳаёт» Тошкент. Фанлар Академияси «Фан» 2001 йил.
13. Мамашокиров С, «Экологик баркарорлик омиллари» Тафаккур журнали, 2005 йил, 1-сон.
14. Мамардашвили. М.К. Сознание и цивилизация. «Природа» журнали 1988 йил, 11-сон.
15. Олтинов М, «Экология ва инсон» «Ўзбекистон Республикаси биологик хилма-хилликнинг экологик муаммолари» Навоий 2006 йил.

16. Олтинов. М, Абдимуминов. О, «Ўзбекистон Президенти И Каримов экалогик муаммолар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси биологик хилма-хилликнинг экологик муаммолари» Навоий 2006 йил.
17. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. –Т.: Ўқитувчи, 1997.
18. Рафиқов А., Абирқулов Қ. Экология.-Т.: 2004.
19. «Соғлом авлод-бизнинг келажагимиз» Тошкент. Ибн Сино номидаги нашриёт 2000 й.
20. Sultonov R.S. Ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish asoslari. T. Musiqa. 2007.
21. Шарафиддинов О, «Экологик маданият» Тафаккур журнали 2005 йил.
Ўзбекистон Республикаси Миллий Энциклопедияси. Тошкент. Қомуслар бош таҳририяти, 1997 й.
22. Тўхтаев А.С. Экология.- Т.: Ўқитувчи, 1998.
23. Ўзбекистон Файласуфлари Миллий Жамияти, «Ғарб Фалсафаси» Тошкент, Шарқ 2004 йил.
24. Ўзбекистон Файласуфлари Миллий Жамияти, «Фалсафа асослари» Т., «Ўзбекистон» 2005 йил.
25. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, И.Мўминов номидаги Фалсафа ва Хукуқ институти. «Фалсафа» қисқача изоҳли луғат Тошкент. «Шарқ» 2004 йил.
26. Қаюмов А.А., Рахмонов Р.Н., Эгамбердиева Л.Ш., Хамроқулов Ж.Ҳ. Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш. – Т.: “Iqtisodiyot”, 2014.
27. Эргашев. А., ЭргашевТ. «Экология, биосфера ва табиатни муҳофаза қилиш» Тошкент. «Янги аср авлоди» 2005 йил.
28. Ergashev A., Ergashev T. Ekologiya, biosfera va tabiatni muhofaza qilish. Toshkent. 2005-422 bet.
29. WWW.gov.uz.-Ўзбекистон республикаси ҳукумати сайти.
www.enn.uz;
www.ziyonet.uz;
www.naukaran.ru;
www.maik.ru;
www.rusplant.ru;
www.floranimal.ru.

Гулистан давлат университети 4-босқич талабаси Кутлимуродова Юлдуз Садулло қизи томонидан 5650100-Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “Ер ресурсларидан фойдаланиш ва тупроқларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини таҳлил қилиш” мавзусида бажарилган битирув малакавий ишига

Тақриз

Бугунги кунда инсонинг табиат билан ўзаро алоқалари анча мураккаб тус олди. Табиат ва инсоннинг ўзаро муносабатлари бугунги кунда ҳар қандай фан тадқиқотларининг диққат марказида бўлмоқда десак янглишмаган бўламиз. Чунки инсон табиати билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларни асло бир-биридан айри – айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муйян қонуниятлар асосида муносабатда бўлар экан, бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас фалокатларни инсоният бошига солиб боради.

Бугунги кунда дунёдаги географик-сиёсий ҳолат жадал суръатларда ўзгармоқда. Бундай шароитда эса инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсири тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулав табиий муҳитни сақлаб қолишининг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларда мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб бормоқда. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирига оид бир қатор муаммоларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қолмайди. Кўриниб турибдики, табиий муҳитни инсон юритадиган хўжалик фаолиятининг заарли таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўпгина муаммолар кенг кўлам касб этиши каби жиҳатлар ушбу ишда очиб берилган.

Кириш қисмида танлаб олинган мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг идентив мақсадлари асосланган ҳамда вазифалари келтирилган. Ўқувчиларни инсониятнинг глобал экологик муаммолари асосидаги жараёнларни ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илфор ва замонавий интерфаол усулларидан фойдаланиш, бу жараёнда янги информацион – педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгалиги ишда очиб берилган.

Таълим тизимда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, Интернет саҳифаларидан турли мавзулардаги адабиётлар, журналлар саҳифаларидаги маълумотларни ўрганиш орқали мавзуни глобал масштабда ўрганиш имкониятнинг мавжудлигидир. Бу ўз ўрнида ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайишига, глобал масштабда фикрлаш қобилиятини пайдо бўлишга сабаб бўлади.

Ушбу битирув малакавий иш кириш, 2та боб, тадқиқот ишини амалга ошириш мобайнида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, иш юксак савияда ёзилганлигини эътиборга олиб яхши баҳога баҳолайман.

Гулистан давлат университети 4-босқич талабаси Қулмуротова Юлдуз Садулло қизи томонидан 5650100-Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “Ер ресурсларидан фойдаланиш ва тупроқларни муҳофaza қилиш чора-тадбирларини таҳлил қилиш” мавзусида бажарилган битирув малакавий ишига тадқиқот раҳбари

Холосаси

Ердан фойдаланишнинг тизими ва шакллари тарихий тараққиёт жараёнида ўзгаради. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва шу билан боғлиқ равишда одамларнинг ўтроклашуви ерни дастлаб қабилалар, сўнгра эса оиласлар ўртасида тақсимланишига олиб келди. Бу ҳол ердан фойдаланишнинг қатъйроқ шаклини юзага келтирди. Қулдорлик даврида ердан асосан, қулдорларнинг ўzlари фойдаланган. Феодализмда ердан фойдаланишнинг кўпгина шакллари пайдо бўлган: феодал ер эгалиги, крепостной дехқонларнинг ердан фойдаланиши, озод дехқонларнинг феодалга аброк(жузия) тўлайдиган ер эгалиги, кейинчалик ердан фойдаланиш тизими ернинг хусусий мулк бўлишига ёки ер ижараси шартномасига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида алоҳида шахсларга шахсий тураг жой қуриш, жамоа бўлиб боғдорчилик, сабзавотчилик билан шуғулланиш учун ердан фойдаланишга рухсат этилади. Улар доимий ва вақтингчалик бўлиши мумкин. Ердан фойдаланувчиларга ердан унумли фойдаланиш мажбурияти юклатилади. Ердан меҳнат қилмай даромад олиш, ерни сотиб олиш ёки сотиш, ҳадя қилиш, ижарага қўйиш, ўз ҳолича бошқа шахсларга бериш тақиқланади. Ер давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун зарур бўлиб қолганда давлат томонидан қайтариб олиниши мумкин.

Ўзбекистоннинг умумий ер фонди 44,8 млн. га, шундан 27,9 млн. га қишлоқ хўжалигига қарашли ерлар. Қишлоқ хўжалигига фойдаланишда бўлган ерларнинг 10 фоиздан ортиқ қисми хайдаладиган ерлардан иборат. Республиkaning ер фонди фойдаланиш хусусиятларига кўра хилма-хил. Мамлакат умумий ер фондининг 5-6 млн. гектари дехқончиликда фойдаланилади. Улар суғориладиган ва лалми ерлардир. Қолган худудлар асосан яйлов ва қисман тоғ ўрмонларидан иборат. Ушбу тадқиқот ишида табиатга ижобий муносабатда бўлишга оид таълим ва тарбия беришда ўқувчиларни табиатни сақлаш тўғрисидаги дастлабки билим, зарур экологик малака ва кўникмалар билан қуроллантириш ушбу тадқиқот ишида асосий мақсад қилиб қўйилди.

Биринчи боб “Ер ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофaza қилиш” деб номланган бўлиб, унда ер ресурслари ва уларнинг экологик – иқтисодий хусусиятлари ўрганилди, ерни иқтисодий баҳолашнинг умумий тамойиллари ва услуби изоҳланди, ер кадастри ва тупроқ бонитировкаси аниқланди, Ўзбекистонда ер ресурсларидан фойдаланиш муаммолари ёритиб берилди.

Иккинчи боб “Ўзбекистонда тупроқларни муҳофaza қилиш” деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистонда тупроқларни муҳофaza қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш масалалари ўрганилди.

Кутлимуродова Юлдуз ўз ишини юксак савияда бажарганлиги, битирув лойиҳа ишнинг амалдаги Низом талабларига тўла жавоб беришини ҳисобга олиб, ҳимояга тавсия этаман.

Экология ва география
кафедраси ўқитувчиси:

Арипов И.К.

Гулистан давлат университети 4-босқич талабаси Қулмуротова Юлдуз Садулло қизи томонидан 5650100-Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “Ер ресурсларидан фойдаланиш ва тупроқларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини таҳлил қилиш” мавзусида бажарилган битириув малакавий ишига

Тақриз

Ерни иқтисодий баҳолаш жараёнига рельефнинг ўйдим-чуқурлиги, парчалангандиги, қиялиги, тупроқнинг қалинлиги, тошлоклиги, механик таркиби, тупроқ тури ва кичик тури, ер ости сувлари сатхининг жойлашуви, тупроқ таркибида бирламчи туз ва гипснинг мавжудлиги, шамол ва бошқа ҳодисалар фаол таъсир этади. Бу омилларни таҳлил қилиш билан тупроқ балл тизимида баҳоланади, сўнгтида ер кадастри ишлаб чиқлади.

Ерни иқтисодий баҳолаш мақсадида уни материаллар билан таъминлаш учун, шунингдек, қишлоқ хўжалигини режалаштириш ва ташкил қилиш ниятида ҳамда ер балансини, ерни баҳолашнинг худудий бирликларини ҳисобга олиш учун барча ерларни тоифаларга бўлиш мақсадга мувофиқ: хўжалик ичида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини режалаштириш ва ташкил қилиш талабларига мос келиши лозим. Бу тоифадаги ерлар ўз навбатида яна икки гуруҳга ажратилиши мумкин: биринчи гуруҳдаги ерларга хўжаликнинг ердан фойдаланиш тузилмасига мувофиқ хўжалик учун умуман ажратилган ерлар, фермерлар дехқон хўжалиги ва бошқаларга фойдаланиш учун берилган ерлар киради; иккинчи гуруҳга хўжалик жиҳатидан фойдаланилдиган (экинзорлар) ер массивлари, чунончи, пахта, шоли, буғдой, ем-хашак, полиз, боғ, ўрмон ва бошқалар экиладиган ерлар, ўт-алмашлаб экиш майдонлари, айрим далалар, партов, ишдан чиққан майдонлар, яйлов, пичанзор ва бошқалар киради. Жамоа хўжалиги худудида барча экинзорларни шу тартибда ўзаро боғлиқ ҳолда солиштириш йўли билан ернинг нисбий баҳосини аниқлаш мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, экинзорлар жойлашишида аввало уларни маълум рельеф элементларига (қавариқ, ботиқ, ёнбағир, текислик, қия ва тўлқинсимон текисликлар ва б.) қараб жойлашуви, тупроқ турлари, ер ости сувлари, иқлимий хусусиятлар, яйлов тури ва бошқаларнинг аниқ ҳисобга олиниши баҳолашнинг асосланганлигига жиддий таъсир этади. Бунда сув манбалари ва уларнинг сифати алоҳида эътиборда бўлади.

Кириш қисмида танлаб олинган мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг идентив мақсадлари асосланган ҳамда вазифалари келтирилган. Ўқувчиларни инсониятнинг глобал экологик муаммолари асосидаги жараёнларни ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илфор ва замонавий интерфаол усусларидан фойдаланиш, бу жараёнда янги информацион – педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгалиги ишда очиб берилган.

Таълим тизимда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, Интернет саҳифаларидан турли мавзулардаги адабиётлар, журналлар саҳифаларидаги маълумотларни ўрганиш орқали мавзуни глобал масштабда ўрганиш имкониятининг мавжудлигидир. Бу ўз ўрнида ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайишига, глобал масштабда фикрлаш қобилиятини пайдо бўлишга сабаб бўлади.

Ушбу битириув малакавий иш кириш, 2 та боб, тадқиқот ишини амалга ошириш мобайнида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, иш юксак савияда ёзилганини ҳисобга олиб, “яхши” баҳога баҳолайман.

Экология ва география
кафедраси доценти:

Данияров С.А.

